

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**Н.Қ. АҲМЕДОВА**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ  
МАКТАБЛАРИ РАҲБАРЛАРИ  
БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА  
АМАЛИЁТИ**



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
Тошкент – 2013

УЎК: 371.11(072)

КБК: 74.104

А-90

-Мактабга тарбия муассаса-  
саси шемаси ГЭ

Монография умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишидаги муаммоларга бағишланган бўлиб, унда умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарлари мактаб фаолиятини ривожлантириш ва тақомиллаштириш йўналишида самарадорликка эришиши учун бошқарув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини билиши, белгиланган мақсадга кўра мотивлаштириш жараёнларини самарали ташкил эта олиши, педагог ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириши ва объектив баҳолаши, педагогик жараёнлар субъектларининг аклий ва ахлоқий салоҳиятини намоён этишига зарурый шарт-шароитлар яратиши зарурлигини инобатга олган ҳолда олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига асосланиб, умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишлари, бошқарув фаолияти самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар, умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларига қўйилаётган талаблар ва уларнинг касбий компетентлилиги, умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш каби масалалар ёритилган.

Монография умумий ўрта таълим муассасаларининг директорлари, директор ўринбосарлари ҳамда таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курси тингловчилари, шу билан бир қаторда, тадқиқотчилар ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасалари раҳбарлари учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Масъул муҳаррир:  
педагогика фанлари доктори, профессор С.Т.Тургунов

Тақризчилар:  
педагогика фанлари доктори, профессор Р.Х.Джураев  
педагогика фанлари доктори Ш.С.Шодмонова  
филология фанлари доктори Н.М. Ууков

ISBN 978-9943-19-255-3

Alisher Navoiy

nomidagi

2013/93  
A 7776

O'zbekiston M

10 41472  
2g1

© Ўзбекистон Республикаси ФА  
“Фан” нашриёти, 2013 йил.

## **КИРИШ**

Замонавий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда умумий ўрта таълим муассасаларида бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини ва мактаб раҳбарлари касбий компетентлигини ривожлантириш технологияларини илмий асослашп, тизимиш ёндашув асосида мактаб директори, директор ўринбосарлари ва педагог ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш технологияларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга татбиқ этиш мухим аҳамият касб этади.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида амалга оширилган демократик ислоҳотлар ҳаётимизнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маданий ҳамда мағкуравий соҳаларини тўлиқ қамраб одди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари нинг кўшма мажлисида мәръузасида мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибаларимизни ҳолисона баҳолаш, кўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделниятни нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан бўён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини таъкидлаб, мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносаб ўрин эгаллашига эришиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ни таъминлаш кафолатларини юртимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантирища, деб кўрсатди.

Президентимиз нутқининг маъно-мазмуни, унда баён этилган долзарб муаммо ва масалалар, уларни ҳал этиш борасида белгила берилган амалий фаолият йўналишлари мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, сифат ва самарадорлигини оширишда мухим аҳамият касб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривож-

лантириш йўналишлари кўзда тутилган бўлиб, таълим тизимини такомиллаштириш ва ривожланишини таъминлашда таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳамда замонавий бошқарув технологияларини қўллаш асосида уларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда инновацион методлар ва усуллардан фойдаланиш зарурияти туғилмоқда.

Маълумки, таълим муассасаларида тапкил этиладиган педагогик жараёнлар самарадорлиги ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва касбий компетентлилигига қай даражада боғлиқ бўлса, мазкур жараёнлар натижавийлиги раҳбарларнинг билим, кўнкимга ва малакаси ҳамда тажрибаларига шу даражада боғлиқ бўлади. Бу, ўз навбатида раҳбар ходимлардан ўз касбий фаолиятида бошқарув функциялари ва методларидан, раҳбарлик услублари ва унинг турли шакл ва усулларидан самарали фойдалана билишни, ўзига ва ўз ишига нисбатан талабчан бўлишни, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини мувофиқлаштиришни, ўз ишини ва ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билишни, ўзини-ўзи мунтазам ривожлантириб боришни ҳамда ўз қобилияти ва имкониятларидан оқилона фойдалана олишни талаб қиласди.

Шундай экан, умумий ўрта таълим мактаби (УЎТМ) раҳбарлари мактаб фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишида ўз фаолиятини ташкил этиш, иш тақсимлаш, педагог ходимларни ишга олиш ва жой-жойига қўйиш, қарор қабул қилиш, қарорларнинг ижросини таъминлашда самарадорликка эришиши учун бошқарув фаолиятининг ҳукуқий асосларини билиши, стратегия турлари ва стратегик бошқарув сирларини ўзлаштирган бўлиши, белгиланган мақсадга кўра мотивлаштириш жараёнларини самарали ташкил эта олиши, педагог ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириши ва объектив баҳолаши, педагогик жараёнлар субъектларининг ақдий ва ахлоқий салоҳиятини намоён этишига зарурий шарт-шароитлар яратиши, раҳбарнинг бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини иnobatga олган ҳолда бошқарувнинг инновацион технологияларини амалиётта татбиқ эта олиши зарур ҳисобланади.

УЎТМ фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини барқарор ривожлантиришда раҳбарларнинг бошқарув фаолияти самарадорлиги, асосан, уларнинг педагогик ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчалари, билими, кўнкимга ва малакалари даражасига ҳамда уларнинг шахсий хусусиятлари ва касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлари, шунингдек, қобилиятлари, маҳорати ва касбий тажрибасига боғлиқ бўлади.

УЎТМ раҳбарларининг педагогик ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришийўналишидаги билими, кўникма ва малакалари, қобилияти ва имкониятларидан таълим-тарбия жараёнларини бошқаришда, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда қандай даражада фойдалана олиши, УЎТМдаги қулай таълимий муҳит даражаси ва рефлексив таълимий муҳитнинг шаклланганлиги уларнинг касбий компетентлилигига боғлиқ бўлади.

Шундай экан, УЎТМ раҳбарлари таълим муассасасида қулай таълимий муҳитни шакллантириши учун бошқарувнинг турли хил замонавий усулларини билиши ва уларга асосланиши, ривожлантирувчи ғоялар йўналишини аниқлай олиши, илгор тажрибаларни ва фан-техника ютуқларини мунтазам ўрганиб бориши, уларни ўз фаолиятида татбиқ этиши, педагогик ходимларнинг фаоллигини ошира олиши зарур ҳисобланади.

УЎТМда қулай таълимий муҳитни шакллантириш ҳамда мазкур муҳитда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш ҳисобига таълим-тарбия жараёнларининг самарадорлигини оширишнинг энг асосий шартларидан биро раҳбарларнинг ўз инновацион фаолиятини ташкил этиш заруратидир.

УЎТМ раҳбарларининг инновацион фаолияти – янгиликларни излаш, ўрганиш ва уларга асосланиш ҳамда илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш, педагогик, психологик ва ижтимоий-иктисодий янгиликларни ўзлаштириш асосида бошқарув фаолияти жараёнига инновацион ёндашув технологияларини жорий этиш орқали ўз фаолияти самарадорлигини таъмилашдир.

УЎТМ раҳбарлари мактаб фаолиятини илмий асосда ташкил этиши ва уни бошқаришда инновацион ёндашувларга асосланиши, касбий аҳамиятта эга бўлган шахсий сифатларга эга бўлиши, ихтиёрий вазиятларда ўзини-ўзи назорат қила олиши, шунингдек, таълим муассасасида ҳукм сурувчи тарбиявий муносабатларни эътиборга олган ҳолда фаолият олиб бориши, турли хил масалаларни ва муаммоларни ҳал этишда мавжуд ҳуқуқий-меъёрий мезонларга асосланиши зарур бўлиб, булаар раҳбарларнинг касбий компетентлилиги даражасини ифодалайди.

Демак, бошқарувда компетентлилик УЎТМ раҳбарларининг маънавий дунёкараши, психологик-педагогик ва ташкилий-технологик салоҳияти, яъни унинг касбий имкониятлари салоҳиятини тасвирлайди. Мазкур салоҳиятни УЎТМда бошқарув фаолияти жараёнининг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, раҳбарлар томонидан тапкил этилаётган бошқарув жараёнларининг ҳолати ва самарадорлиги орқали аниқлаш мумкин бўлади.

УЎТМнинг асосий вазифаси ҳисобланган таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва уни такомиллаштириш негизида рақобатбардош битирувчилар тайёрлаш амалга ошириладиган педагогик жараёнларда қулай таълимий муҳит ва интизом, субъектларнинг меҳнат унумдорлиги, таълим жараёни самарадорлигининг таъминланиши ҳамда таълим жараёни субъектлари фаолиятида ижодий ёндашувларнинг шаклланиши кўп жиҳатдан раҳбарларнинг билими, педагогик ва касбий маҳоратлари, шунингдек уларнинг бошқарув фаолиятини тўғри ташкил этишига боғлиқ.

## **1-БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ РАҲБАРЛАРИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

### **1.1. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг бопқарув фаолияти йўналишлари**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидағи замонавий ислоҳотлар жараёнида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ бир қатор янги талаблар юзага келди. Бу замонавий талаблар УЎТМ раҳбарлари томонидан бошқарувни такомиллаштириш ҳамда бошқарувнинг инновацион усулларини амалиёттга татбиқ этиш, шунингдек, турли даражадаги раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида мавжуд муаммоларни олдиндан кўриш ва уларни ижобий ҳал этиш қобилияtlарини шакллантиришни олға сурмоқда.

Узлуксиз таълим тизмида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, таълим жараёни субъектлари фаолиятини такомиллаштириш, уаарга зарурий ва етарли шарт-шароитларни яратиб бериш асосида таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган давлат дастурлари, ҳукумат қарорлари, умумий ўрта таълим мактаблари (УЎТМ)да мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, бошқарувнинг маъмурӣй буйруқбозлик усулидан возкечиб, УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолиятини демократик тамойиллар ва инновацион ёндашувлар асосида шакллантиришни тақозо этмоқда.

УЎТМда педагогик жараёnlарни ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш, ўқитувчи ва ўқувчиларга зарурий шарт-шароитларни яратиб беришда фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл-йўриқларини танлаш, қарор қабул қилиш; педагог ходимларнинг имконияти, қобилияти ҳамда вазифаларнинг мазмун ва можиятига кўра вазифаларни тақсимлаш; педагог ходимларнинг узлуксиз малака ошириши учун зарурий шарт-шароитларни яратиш; моддий-техник ва замонавий илмий-методик маҳсулотлар билан

таъминлаш; илғор педагогик тажрибалар ва замонавий ахборотлар технологияларини татбиқ этиш; ДТС талабларини амалиётда қўллаш ва унинг мониторингини олиб боришни ташкил этиш; УЎТМ ривожланиш мойиллиги ва динамикаси бўйича ахборотлар тўплаш ва таҳдил қилиш; педагогларнинг инновацион фаолият натижаларига қизиқишини шакллантириш ва рагбатлантириш асосида инновацион фаолиятни ташкил этиш; қабул қилинган қарор ва буйруқларнинг бажарилишини назорат қилиш УЎТМ раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади.

УЎТМ раҳбарларининг функционал вазифаларини амалга ошириш жараёни кўзланган натижаларга эришишда маълум бир мақсадга йўналтирилган фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, таҳдил қилиш ва объектив баҳолаш, педагог ходимлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни қамраб олган ҳолда раҳбарнинг бошқарув фаолиятини ифодалайди.

Қ.О.Шодмоновнинг таъкидлашича, бошқарув мақсадга йўналтирилган таъсир, яъни субъектнинг объектга таъсири натижасида объектнинг фаолиятини мувофиқлаштирилишидир [98, 14-бет].

М.Мирқосимовнинг фикрича, бошқарув биринчи галда кишиларнинг иқтисодий ва моддий ҳолатини, ижтимоий фаолиятини, уларни қадриятларимиз руҳида тарбиялашни назарда тутади, жамоада уюшқоқлик, тартиб, меҳнат тақсимоти бўлмаса, кишининг жамоадаги ўрни ва вазифалари тайин бўлмаса, меҳнат жамоаси бўлиши мумкин эмас. Табиийки, бошқарувсиз, муайян тартибини ўрнатмасдан ва қўллаб-қувватламасдан туриб меҳнат фаолиятини амалга ошириб бўлмайди [49, 16-бет].

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бошқарув ўзига хос санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов ёки изланиш асосида қарорлар қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилишdir [36, 6-бет]. Бошқарув – бу мақсадга эришиш учун объектга таъсир этиш бўлиб, объект фаолиятини мувофиқлаштириш, яъни мақсадга эришиш йўналишида тизимнинг ташкил этувчилирига таъсир этишини вертикал мувофиқлаштиришdir [72, 133-бет]. Бошқарув – бу инсонларни бошқариш, улар билан ишлаш [40].

Тадқиқотларда “бошқарув – бу аниқ бир мақсадга эришиш учун бошқарув тизимига ёки объектга фаол таъсир кўрсатиш”, шунингдек, “бошқарув – бир тизимнинг иккинчисига, шахснинг иккинчи

бир шахсга ёки маълум бир шахснинг инсонлар гуруҳига таъсир этишидир”, деб таърифланади [41; 45; 46; 53].

Бошқарув бир тизимнинг иккинчисига, шахснинг иккинчи бир шахсга ёки гуруҳга “таъсир этиши”. Бошқарув мақсадга йўналтирилган таъсир этиш, субъектнинг объектга таъсири натижасида объектнинг ўзгариши [41; 45; 46; 53].

Тадқиқотларда “Мақсад йўналишида объектни мувофиқлаштириш; мақсадга эришиш учун объектга таъсир этиш; мақсадга эришиш йўналишида тизимнинг ташкил этувчиларига таъсир этишини вертикал мувофиқлаштириш”, деб ҳам турлича таърифлар келтирилган [72, 133-бет].

Адабиётларда бошқарув ўзига хос юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов асосида қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш эканлиги таъкидланиб, “Бошқарув – бу танлов, қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш жараёнидир”, деб тавсифланади [97, 7-бет].

Таълим муассасасини бошқариш бу маҳсулот ишлаб чиқариш ёки майший хизмат кўрсатишдан тубдан фарқ қиласидиган, таълим тизими учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган тарбиячи ва тарбияланувчи, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мураккаб ўзаро муносабатлар жараёнидир, гарчанд шу кунга қадар “бошқариш бу нима, ҳунарми ёки санъат?” деган тортишувларга чек кўйилмаган бўлса ҳам, ҳеч иккимасдан санъат деб барадла айтиш мумкин [94, 8-бет].


Шундай экан, таълим муассасасида педагогик жараёnlар самарадорлигини таъминлашда субъектлар фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва объектив баҳолаш, рағбатлантириш асосида мувофиқлаштириш раҳбарларнинг бошқарув фаолиятини ифодалайди.

Тадқиқотларда бошқарув фаолиятини ташкил этиш зарурятини белгиловчи бош мезон сифатида таълим муассасаси олдига кўйилган мақсад келтирилади, мақсадга эришиш учун вазифалар белгилаш, ташкил этиладиган фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл-йўриқларини танлаш, бажариладиган вазифаларни тақсимлаш, белгиланган мақсадга эришиш учун ташкил этиладиган жараён иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқарув фаолиятини, уни амалга ошириш бошқарув функцияларини, амалга ошириш изчиллиги бошқарув алгоритмини, амалга ошириш йўл-йўриқлари бошқарув методларини, ходимларнинг фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқарув услуб-

ларини, мазкур йўналишда қабул қилинган қарорлар бошқарув қарорларини ифодалайди [26, 23-бет].

Демак, УЎТМ раҳбарлари ва педагогик жараёнлар субъектларининг таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва самара-дорлигини таъминлаш йўналишларидаги фаолиятлари бошқарув фаолияти бўлиб, мактаб фаолиятини ташкил этишда, кўзланган на-тижаларга эришишда маълум бир мақсадга йўналтирилган фаоли-ятни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, мазкур жараён иштирокчиларига таъсир кўрсатиш орқали уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни ифодалайди.

Шундай экан, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти мактаб фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, педагогик жараёнлар са-марадорлигини ошириш, педагогик жараён субъектлари фаолиятини такомиллаштириш, инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, ўзини-ўзи бошқариш ва ривожлантириш каби йўналишларни (1-расм) қамраб олади деб айтиш мумкин.



**1-расм. УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти  
йўналишлари**

Мактаб фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўналиши бўйича УЎТМ раҳбарлари белгиланган мақсадга эришиш учун вазифалар белгилаш; фаолиятни оддиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл-йўриқларини танлаш, қарор қабул қилиш; вазифаларнинг мазмун ва моҳиятига кўра мутахассисларни танлаш ва бажариладиган вазифаларни тақсимлаш; УЎТМнинг ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниқлаш учун педагог ходимлар ва ўқувчилар ўртасида анкета сўровлари ва сұхбат

ўтказиш асосида ахборотлар тўплаш ва таҳдил қилиш; УЎТМ фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишида белгиланган вазифаларни қайта кўриб чиқиш, янгилаш, лавозимлар бўйича давлат талаблари асосида қадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш; педагог ходимларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш; қабул қилинган қарор ва буйруқларнинг бажарилишини назорат қилиш каби функционал вазифаларни бажариши лозим.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш йўналишидаги фаолият жараёнида УЎТМ раҳбарлари томонидан илгор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, замонавий ахборотлар коммуникацион технологияларини амалиётга татбиқ этиш; ДТС талабларини амалиётда кўллаш ва унинг мониторингини олиб боришни ташкил этиш; таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш, педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш; моддий-техник ва замонавий илмий-методик маҳсулотлар билан таъминлаш; таълим муассасаси ва социум муносабатларида узлуксиз алоқани таъминлаш каби муҳим вазифалар амалга оширилиши зарур.

Ўзини ўзи бошқариш ва ривожлантириш йўналишида УЎТМ раҳбарлари раҳбарлик услубларини ва уларнинг турли шакллари ҳамда усулларини ўзлаштириши ва улардан вазиятларга кўра оқилона фойдалана олиши; ҳар қандай вазиятларда ҳам ўзини тута олиши, эҳтиросларга берилмаслик; ташаббускор бўлиши; кўпчилик дарди билан яшashi; ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳамижодкорлик билан иш юритиши; вижданли ва адолатли бўлиши; самимий, вазмин, бағрикенг бўлиши; ижодкор, бунёдкор ва яратувчан бўлиши; талабчан ва меҳрибон, вақтнинг қадрига етадиган, хушмуомала инсон бўлиши; ўзини ўзи баҳолаши, ўз фаолиятини ва шахсий сифатларини ўзи томонидан ташхис этиши; адолатли бўлиши; ходимларга эътибор билан қараши; бўйсунувчилар билан суҳбатлашганда маъruzачига айланиб қолмаслик, эътиборли тингловчи бўлиши; адолатпарвар ва ўзи зарур деб ҳисоблаган чоратадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли журъатли, жасур бўлиши – қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, янгиликларни излаш, ўрганиш ва уларга асосланиш ҳамда илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш, бошқарувнинг педагогик, психологик ва ижтимоий-иктисодий асосларини ўзлаштириш, шулар қатори бошқарув жараёнига инновацион ёндашув технологияларини жорий этиш каби вазифаларни амалга ошириши зарур.

Ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш йўналишида УЎТМ раҳбарлари ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш, қарорлар қабул қилиш жараёнига барча ходимларнинг иштирокини таъминлаш; белгиланган мақсадга эришиш йўналишида вазифалар белгилашда ходимларнинг таклифлари ва фикрларини инобатга олиш; турии йўналишларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларини, муносабатларини мувофиқлаштириш, уларнинг имкониятлари ва қобилиятларидан тўтири фойдаланишни ташкил этиш, мотивлаштириш ва назорат қилишга алоҳида эътибор қаратишлари зарур ҳисобланади.

Педагогик жараён субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш йўналишида УЎТМ раҳбарлари ўқувчиларнинг фанлар бўйича мунтазам билим олишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, уларда билим олиш эҳтиёжини мунтазам шакллантириш ва ривожлантириб бориш, ўқувчиларда асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратиши; таълим тизимини модернизация қилиниши, уни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ҳамда маданиятнинг жаҳон миёсидағи замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини ўзgartирлиб, янгилаб борилишига ҳамда ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равища таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этилиши, таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуалар билан таъминланишига эришиши зарур ҳисобланади.

Инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишида УЎТМ раҳбарлари таълим муассасасида ижодий муҳит яратиш, педагог ходимларда ташаббуслар ва янгиликларга қизиқишини шакллантириш; инновацияларнинг қабул қилиниши ва амал қилиши учун зарурий шарт-шароитлар яратиш; инновацион фаолиятни раббатлантириш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш; инновацияларни оммалаштириш; инновациянинг асосланганлик даражасини аниқлаш; инновациянинг ихтилофлилиги, аҳамиятлилиги таваккалчиллик даражасини аниқлаш; инновациянинг вазиятга алоқадорлилиги, структуравийлиги ва бошқарувчанлиги ҳамда ижтимоий

мўлжалланганилиги, уларнинг субъектлар томонидан қабул қилинишини инобатга олган ҳолда инновацион фаолиятни ташкил этиш каби қатор вазифаларни амалга оширадилар.

УЎТМ фаолиятини такомиллаштириш йўналишида УЎТМ раҳбарлари томонидан педагогик жараёнларни ташки мұхитнинг ўзгаришларига мос равища ривожлантириш билан бояниқ бўлган муаммоларни ҳал этиш; бошқарувнинг демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш тамойиллари асосида мувофиқлаштириш ва инновацияларни жорий этишда замонавий ёндашувлардан фойдаланиш; бошқарув йўналишидаги тушунчаларини мунтазам янгилаб бориш ва ривожлантириш асосида кўзланган мақсадларга эришишнинг янги йўллари ва воситаларини излаб топиш; ўзини ўзи бошқариш ҳамда ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш; таълим муассасини мунтазам ривожланиб боришини олдиндан кўриш ва режалаштириш; жамоанинг илмий-методик ва илмий тадқиқот салоҳиятини ривожлантириб бориш; таълим муассасасининг фаолияти, таълим-тарбия жараёнининг ҳолати, ходимларнинг ўз вазифасига бўлган муносабати, ўзаро муносабатлар, яъни ўқувчи ва ўқитувчиларнинг муносабатлари, шунингдек, умумий мақсадга эришиш учун амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва самарадорлиги, ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳамда ташкил этилаётган дарсларнинг сифати тўғрисида ахборотлар тўплаш; тўпланган ишончли ахборотларни таҳдил қилиш ва умумий ҳолатни ўрганиш асосида бошқарув фаолиятини ўзgartириш, такомиллаштириш; ахборотларга асосланган ҳолда, бошқарув фаолиятининг самарадорлигини таҳдил қилиш ва такомиллаштириш йўналишлари ва муассаса фаолиятини яхшилаш учун амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаш; белгиланган вазифаларни ходимларнинг билими, кўникма ва малакалари, шунингдек, касбий тажрибаларига кўра тақсимлаш; педагогик жараёнлар самарадорлигини ошириш учун юқори малакали мутахассисларни жалб этиш; жамоа аъзоларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш; таълим муассасасининг ривожланиш имкониятларини аниқлаш ва такомиллаштириш йўналишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш.

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича улар томонидан бажариладиган ишларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро бояниқлиги ва алоқадорлигини кўришимиз мумкин. Демак, мазкур бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича амалга

ошириладиган ишларнинг самарадорлиги УЎТМ раҳбарининг бутун бир бошқарув фаолияти самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятини ташкил этишда юқорида келтирилган бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича бажаримиши зарур бўлган вазифаларни амалга оширишда тизимли ёндашув технологиясини татбиқ этиш заруратини белгилайди.

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича ўз функционал вазифаларини амалга оширишида педагоглар фаолиятининг мувофиқлаштирилиши, УЎТМ барча ходимларининг ўз меҳнат фаолиятлари натижаларидан тенг асосда қониқиши ҳосил қилишлари, жамаодаги тўғри меҳнат тақсимоти, ходимларда ўз вазифаларига нисбатан масъулият ҳиссининг шакланиши, ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг ташкил этилиши ва сифати, ўқувчиларнинг соглигини мустаҳкамлаш, жисмоний жиҳатдан ривожланиши, яъни болалар спортини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда ўқув жараёнини ҳозирги замон талаблари даражасида илмий асосда ташкил этиш самарадорлиги кўп жиҳатдан УЎТМ раҳбарлари томонидан ўз бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича функционал вазифаларини қай даражада тушуниб етиши ва амалга оширишига боғлиқ бўлади.

УЎТМ раҳбарларининг функционал вазифаларини амалга ошириш жараёни педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва такомиллаштириш, унинг натижавийлигини таъмилаш, қулай таълимий мұхитни қарор топтириш ва барқарорлаштириш учун жамоада зарурий шарт-шароитларни яратиш, ўқувчилар ва педагог ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, мактаб билан маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлигини таъмилаш ҳамда белгиланган мақсадларга эришишда ҳамкорликдаги бошқарувни жорий этиш вазифалари бошқарув фаолиятининг турли йўналишларига тегишли бўлиб, будар ҳам ўз навбатида тизимли ёндашувни татбиқ этиш заруратини белгилайди.

С.Т.Турғуновнинг фикрича, УЎТМ фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, белгиланган мақсадларга эришиш учун субъектларда масъулият ҳиссини шакллантириш, инновацион жараёнларни ташкил этиш ва унинг натижаларига иштироқчиларда қизиқиши уйготиш, педагогик жараёнлар иштироқчиларининг ўз меҳнат фаолиятлари натижаларидан тенг манфаатдор бўлиши ва қониқиши ҳосил қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш,

яъни инновацион жараёнларни ташкил этиш орқали УЎТМ фаолиятини такомиллаштириш йўналишида турли хил масалалар юзасидан турли даражадаги, мақсади, вазифаси ва мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилувчи қарорлар қабул қилишда жамоа аъзоларининг фикрини ўрганиш ва таклифларини инобатга олиш, мазкур жараёнларда барча ходимлар иштирокини таъминлаш, мақсадга эришиш йўналишидаги масалаларни ва муаммоли вазиятларни ижобий ҳал қилишда УЎТМ раҳбарлари томонидан педагогик тизимларни бошқаришда ўзига хос аҳамият касб этувчи ахборот-таҳдил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, назорат-ташхис, тартибга солиш-мувофиқлаштириш каби бошқарув функциялари амалга оширилади [87, 54-бет].

Ахборот-таҳдил функцияси бошқарувда алоқида аҳамиятга эга бўлиб, ахборотлар тўплаш ва таҳдил қилиш бошқарув тизимининг пойдевори ҳисобланади. Мазкур функцияning асосий вазифаси педагогик тизимлар (педагогик жараён) тўғрисида узлуксиз равишида ахборотлар тўплаш ва уларни чуқур ўрганиш ҳамда объектив баҳолашдан иборат. Бу вазифаларни бажариш асосида бошқарув фаолиятининг стратегияси, ривожланиш омиллари, бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш йўллари аниқланади. Шунинг учун, ахборотлар нафақат ишончли балки, янги ва фойдали бўлиши ҳам зарур [81, 105-бет].

Мақсадли-мотивлаштириш функцияси белгиланган мақсадга ва кўзланган натижаларга эришиш йўналишида барча субъектларда қизиқишлиар уйғотишга йўналтирилган тадбирларни ташкил этишни назарда тутади. Мотивлаштириш ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, субъектларнинг фаолигини ошириш ва уларда инновацион жараёнлар учун қизиқишлиар уйғотишга йўналтирилган тадбирларни етарли даражада ташкил этиш учун зарур. Бунда мотивларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш зарур бўлиб, қандай мотивлар бошқарув фаолиятини йўналтиради ва қайсилари самарали ҳаракатлар режасини тузишга имконият яратишни билиш ўзига хос аҳамият касб этади [81, 105-бет].

Олдиндан кўриш-режалаштириш функцияси учун мақсадли-мотивлаштириш бошланғич асос бўлиб хизмат қиласи, олдиндан кўриш-режалаштириш функцияси ташкилий шакллар, усуллар, таъсир этувчи воситаларни аниқлайди, назоратнинг меъёри ва натижаларини баҳолашга хизмат қиласи, шунингдек, педагогик тизимни ва унинг иштирокчиларининг ҳаракати ва фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солишга имконият яратади [81, 106-бет].

Ташкилий-ижрочилик функцияси бошқарув фаолиятининг барча йўналишларида ўз ифодасини топади. Яъни, у кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш, ижрочиларнинг ўзаро таъсир этиш тизимини шаклантириш, ахборотлаар тўплаш ва уларга ишлов бериш фаолиятлари билан боғлиқ бўлади. Бунинг натижасида у ёки бу педагогик тизимга хос таркибий тузилиш вужудга келади. Уни самарали амалга ошириш ўзаро ишонч ва ёрдам, ҳар кимга танлаш ҳуқуқини бериш, факат мақсадни белгилаш эмас, балки унга эришиш мезонларини ҳам белгилаш, ходимларнинг шахсий имкониятлари ва қобилияtlарини тўла намоён этишлари учун шароитлаар яратиш, бажарилган ишлар учун рағбатлантириш ва ҳар бир ходимнинг меҳнатини объектив баҳолаш билан боғлиқ бўлиб, жамоада муҳим ижтимоий-психологик муҳитнинг вужудга келишида ўзига хос аҳамият касб этади [81, 107-бет].

Назорат-ташхис функцияси. Назорат – бу бошқарув жараёнининг фаол босқичларидан бири бўлиб, у бошқарувнинг барча функциялари билан боғлиқ бўлади. Педагогик тизимни бошқариш жараёнида кўзланган йўналишдан четга чиқишилар ҳам вужудга келиши мумкин, бундай вазиятларда назорат йўл қўйилаётган хатоларнинг сабабини ўз вақтида аниқлаш ва уларни тузатиш усулларини белгилаш имкониятларини яратади. Бошқарув назоратининг асосланганлиги ташхис орқали ифодаланади. Махсус восита ва методларни қўллаш, ҳар томонлама ўрганиш йўллари билан объективнинг ички ҳолатини тавсифловчи ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини аниқлашга йўналтирилган ташхис англашнинг алоҳида кўринишини ифодалайди [81, 108-бет].


Тартибга солиш – мувофиқлаштириш функцияси педагогик тизимнинг ҳолатини зарурий, белгиланган даражада ушлаб туриш, уни янги сифат даражасига кўтариш ва педагогик жараёнда йўл қўйилаётган хатоликларни тузатиш ҳамда педагогик жараён иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш учун хизмат қиласи. Мазкур функция ёрдамида педагогик тизим субъектларининг турли ҳаракатлари мувофиқлаштирилади. Ўз наъбатида мувофиқлаштириш педагогик тизимнинг ҳаракатланиш йўналиши билан барча бўгинларининг ўзаро уйгунашувида юқори даражадаги тезкорликни талаб этади [81, 109-бет].

Мазкур бошқарув функцияларининг мақсади, мазмун-моҳияти ва аҳамиятига асосланаб айтиш мумкинки, УЎТМ раҳбарлари томонидан педагогик жараёnlар тўғрисида узлуксиз равишда ахборотлаар тўплаш ва уларни чуқур ўрганиш ҳамда объектив баҳолаш, УЎТМдаги мавжуд шарт-шароитлар, ўзаро

муносабатлар, жамодаги психологияк мұхит ҳамда ўқувчилар, педагог ходимларнинг қизиқиши, мойиллиги, индивидуал психологияк хусусиятлари, қобилиятлари ва имкониятлари, шунингдек, ойлавий шарт-шароити ва фаолиятлари түгрисида ахборотлар түплеш ва таҳдил қилиш, жамоадаги шарт-шароитлар ва вазиятларни инобатта олиш, мақсадни белгилаш талабларига риоя қилиш, вазифалар тақсимлашда мақсадларнинг бирлигини сақлаш ҳамда инновацион жараёнларга субъектлар қизиқишини шакллантириш, эришилганнатижаларни, УҮТМингривожланиш мойиллиги, имкониятлари ва динамикасини аниқлаш, жамоадаги рухий мұхит, ўзаро муносабатлар ва әхтиёжларни ўрганиш ҳамда барча учун қулай бўлган ўзаро таъсир жараёнини, инновацион таълимий мұхитни вужудга келтириш, УҮТМ фаолиятини ривожлантириш ва бошқарувнитакомиллаштириш стратегиясини белгилашда юқорида келтирилган бошқарув функциялари бири иккинчиси учун, иккинчиси учинчиси учун, учинчиси тўртингчиси учун ва ҳ.к. бошлангич асос сифатида хизмат қилиши ҳам УҮТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро боғлиқ ва алоқадор эканлиги, уларни амалга ошириш ҳам тизими хусусиятга эга бўлиши керак эканлигини тасдиқлади.

Демак, УҮТМ ҳаётини таъминлаш ва такомиллаштиришда тасодифий ва кутилмаган ҳолатларни олдини олиш учун УҮТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича ўз функционал вазифаларини амалга оширишида тизими ёндашувни татбиқ этиши мұхим аҳамиятга эга. Тизими ёндашувда УҮТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишлари тизим сифатида, яъни уларнинг боғлиқлиги ва алоқадорлигига кўра ҳамда бошқарув фаолияти йўналишларининг мазмун ва моҳиятига кўра уларни бир бутун, яъни яхлит ҳолда тасаввур қилинади. Яхлит тизим сифатида УҮТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятини ўрганишда алоҳида хусусиятларга эга бўлган бошқарув фаолияти йўналишлари ўртасидаги алоқалар ҳамда ўзаро боғлиқлик хусусиятлари аниқданади, чунки бошқарув фаолияти йўналишлари тизими хусусиятга эга бўлиб, ҳар бир йўналишнинг ўзгариши яхлит тизим ҳисобланадиган бошқарув фаолияти самарадорлигининг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

УҮТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти тизим сифатида умумий мақсадлар йўналишида раҳбарнинг функционал вазифаларини амалга оширишида ташки мұхит билан ўзаро таъсир кўрсатувчи, алоҳида хусусиятларга эга бўлган, ўзаро боғлиқ ва



алоқадор бўлган бошқарув фаолияти йўналишларининг яхлит ҳолда вужудга келишида намоён бўлади.

Тизим ҳисобланавётган УЎТМ раҳбарининг бошқарув фаолиятини ўзгартириш, уни қайта ташкил этиш ва мослаштириш қайсиdir йўналишларининг ўзаро таъсир кўрсатишига боғлиқ бўлади, яъни субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш, таълим мазмунини унификация ва модернизациялаштириш ва ҳ.к.

Агарда қайта ташкил этишда тизимли ёндашув татбиқ этилмаса, яъни тизим ҳисобланавётган УЎТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти йўналишлари алоҳида-алоҳида, яъни локал қайта ташкил этилса, УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти муваффақиятсизликка олиб келади.

УЎТМ фаолиятини такомиллаштириш масаласини ҳал этиш, мавжуд муаммоларнинг ижобий ечимини топиш, инновацион жараёналарни ташкил этиш ва ривожлантириш, турули хил масалалар юзасидан қарорларни УЎТМнинг барча аъзолари иштирокида, яъни умумий йигилишларда қабул қилиш ҳамда белгиланган мақсадларга эришишда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш УЎТМраҳбари бошқарув фаолиятининг турли йўналишларига тегишли бўлиб, раҳбарлар томонидан бошқарув функцияларини амалга ошириш жараёнида бажарилади. Мазкур фаолиятнинг самарадорлиги олдиндан белгиланган мақсадга эришиш йўналишида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар мажмуи, яъни бошқарув жараёни босқичлари сифатида УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва узвийлигини таъминлаш орқали белгиланади.

УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишларини ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва узвийлигини таъминлаш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у мақсадга эришишда ҳаракатлар изчилилги билан белгиланади. Яъни бу жиҳатлар ўз-ўзидан мақсадга кўра аниқданмайди, балки мақсадга эришишдаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро тушуниш, ўзаро таъсир жараёнининг самараси, жамоадаги қулай руҳий мухит, жамоа аъзолари учун яратилган шарт-шароитлар орқали белгиланади.

УЎТМнинг асосий мақсади умумий бўлиб, у ўзгармаса-да, мазкур мақсад белгиланган вақтдаги шарт-шароитлар ҳамда жамоа аъзоларининг таркиби ўзгариши натижасида УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятининг самарадорлиги ўзгариши мумкин.

Демак, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятининг

самарадорлиги жамоадаги қулай рүхий мұхит, жамоа аъзолари учун яратылған шарт-шароитлар, шунингдек, раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочиларнинг билими, касбий кўнишка ва малакалари даражасига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва узвийлигини таъминлаш учун тизимли ёндашув технологиясини татбиқ этилишига ҳам боғлиқ бўлиши УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёни ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади ва бу ўз навбатида, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва уларни инобатга олиш заруриятини белгилайди.

## **1.2. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари**

Узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлаар, таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган давлат дастурлари, ҳукумат қарорлари, таълимтарбия жараёни иштирокчиларига қаратилаётган эътибор, уларучун яратилаётган қулай шарт-шароитлар, мазкур тизимдаги бошқарув муаммоларининг ижобий ечимини топиш, таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишларидаги муаммоларининг ижобий ечимини топиш, бошқарув фаолиятини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш ва такомиллаштириш уларнинг бошқарув фаолияти жараёнларини ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш заруратини белгилайди.

УЎТМда белгиланган мақсад ва вазифаларга мос равища юқори натижаларга эришиш учун вақтдан, молиявий, педагогик ва бошқа воситалардан, оқилона, режали равища самарали фойдаланиш мұхим аҳамиятга эга бўлиб, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятини амалга оширишда изчиллик, яхлитлилик, илмийлик, демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш, мувофиқлаштириш ва миңтақа қалаштириш, объективлик ва аниқдик, қулайлик ва самаралилик каби қатор тамойилларга асосланиш зарур ҳисобланади. Чунки, бошқарув УЎТМ раҳбарларининг барча фаолиятларига тегишли бўлган жараён бўлиб, ҳаётий эҳтиёжларни қондиришда, кўзланган мақсадларга эришишда маълум бир

мақсадға йұналтирилған фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, таҳдил қилиш ва баҳолаш, мазкур жараён иштирокчиларига таъсир күрсатиши орқали уларнинг фаолиятини мувофиқдаشتаришни ифодалайды.

Бошқарув фаолияти жараёни бошқариладиган обьект ва бошқарувчисубъекттизимларидан иборат бўлиб, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти педагогик жараён субъектлари ҳисобланадиган ўқувчи ва ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаشتариш, яъни уларнинг фаолиятини бошқаришни ифодалаб, улар ўз навбатида обьект сифатида таълим-тарбия жараёнини бошқарадилар, шундай экан, бошқарув жараёни бошқариладиган обьект ва бошқарувчи субъект муносабатларини ифодалайди. Бошқарув фаолияти жараёни субъектларнинг обьектга кўрсатаётган таъсири жараёнида ташкил топади ҳамда мавжуд ўзаро муносабатлар уларнинг фаолиятини ифодалайди.

Ихтиёрий обьектнинг ўзгариши ёки ҳаракатга келиши бошқарувни талаб этади, УЎТМ раҳбари ҳам ўз бошқарув фаолияти жараёнида ўзини ўзи бошқаради ва кўзлаган мақсадига эришишга ҳаракат қиласди, жамоа аъзоларининг фаолиятини ташкил этиш учун уларга таъсир кўрсатади. Бу, ўз моҳиятига кўра бошқарувни, яъни УЎТМнинг мақсадига эришиш йўналишида жамоа аъзоларининг фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаشتаришни ифодалайди. Шундай экан, бошқарув мақсадға йұналтирилған таъсир, яъни субъектнинг обьектга таъсири натижасида обьектнинг фаолиятини мувофиқластирилишини ифодалайди.

УЎТМнинг асосий фаолияти ҳисобланган педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва уни такомиллаштириши негизи бошқариладиган обьект ва бошқарувчи субъект тизимларидан ташкил топади. Бу тизим раҳбарлар, ўқитувчилар ва ўқувчилар (субъектлар) ўргасидаги алоқа, яъни жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларидан ташкил топади. Бунда обьект сифатида педагогик жараён субъектлар томонидан мувофиқластирилади.

УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти мазмун-моҳиятига кўра маълум бир мақсадға эришишга йұналтирилған бошқарув функцияларини амалга оширишни назарда тутувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлган вазифаларнинг бажарилишини, яъни педагогик жараёнлар субъектларига шарт-шароитлар яратиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаشتариш, назорат қилиш, таҳдил қилиш ва обьектив баҳолаш, УЎТМ моддий-техник базасини яратиш ва мустаҳкамлаб бориш, педагогик жараёнларни янги педагогик ва ахборот технологиялари билан қуроллантириш,

юқори малакали мутахассислар билан таъминлашни назарда тулади.

УЎТМда педагогик жараёнларнинг ўзаро боғлиқдиги, алоқадорлиги, узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, илмий асосда ташкил этиш, белгиланган мақсадларга эришиш ва рақобатбардош битирувчилар тайёрлашда, педагогик жараён субъектларининг ўзаро муносабатлари ва фаолиятларини мувофиқлаштиришда, қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда мазкур жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини инобаттга олиш бошқарув фаолияти жараёнларининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Демак, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятини илмий асосда, инновацион ёндашувлар асосида ташкил этишда бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича амалга оширилиши зарур бўлган функционал вазифаларни бажариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, вазиятларни таҳдил қилиш асосида раҳбарлик услублари, бошқарув функциялари ва методларидан оқилона фойдаланиш зарур бўлиб, улар биргаликда бошқарув жараёнида таъсир кўрсатишнинг тартиби, кетма-кетлиги, йўллари ва уларнинг аҳамиятини ифодалайди.

Шундай экан, УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти – бу ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича амалга оширилиши зарур бўлган функционал вазифаларни бажариш, шунингдек, вазиятларни таҳдил қилиш асосида раҳбарлик услублари ва унинг турли шакл ва усувларидан, бошқарув функциялари ва методларидан оқилона фойдаланиш асосида кўзланган натижаларга эришиш йўналишида УЎТМ фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлар тизими, деб айтиш мумкин.

Р.Х.Джураев ва С.Т.Тургуновларнинг таъкиддашича, таълим муассасаларини бошқаришнинг ўзига хослиги таълим муассасаси бошқарувини ички ва ташқи ўзгаришларга мослаштириш, раҳбарлик услубларидан оқилона фойдаланиш, бошқарув тамоийларини ўзлаштириш ва қўллаш, бошқарувни таълим муассасаси фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтириш асосида белгилаш, шунингдек, белгиланган мақсадга эришиш йўналишидаги вазифаларни бажаришда муҳим аҳамият касб этувчи ахборот-таҳдил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, назорат-ташхис ва тартибга солиш-мувофиқлаштириш функцияларини амалга ошириш жараёнида аниқроқ ифодаланади ҳамда таълим-тарбия

жараёнини илмий асосда ташкил этиш, унинг натижавийлигини таъминлаш, таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлади. Мазкур функцияларни амалга оширишда раҳбарларнинг демократик тамойилларга асосланиши, барча ходимларни бошқарув жараёнига жалб этилиши, юқори самарадорликка эришишда ўз таъсирини кўрсатади [26, 31-35-бетлар].

Демак, шахснинг барча хатти-ҳарактлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани каби УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти жараёнлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан бири раҳбарнинг ўз фаолияти жараёнида демократик тамойилларга асосланиши, яъни жамоада мажбурий итоаткорликни бартараф этиш асосида қулай ижобий ва ижодий мұхитни шакллантиришидир.

УЎТМда доимий ҳукм сурувчи тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда педагогик жараёнлар субъектлари ўртасида самарали ўзаро таъсир жараёнини вужудга келтириш, яъни ташаббусларни рағбатлантириш, турли педагогик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва кўзланаётган натижаларнинг самарадорлигини таҳдил қилишни ҳамкорликда ташкил этиш ҳам УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

С.Т.Тургуновнинг таъкидлашича, бошқарув фаолияти – бу бошқарув жараёнида қабул қилинаётган қарорларнинг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи компонентлардан иборат бўлган тизимdir [81, 105-бет].

Муаллифнинг фикрича, бошқарув фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мазкур жараён ижодий жараён ҳисобланади ва ўз навбатида таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари йўналишида кўзланган натижаларга эришиш учун энг қулай бўлган бошқарув методлари ва инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этиш асосида бошқарув функцияларини амалга ошириш, ходимлар билан бўлган ўзаро муносабатларда ҳамда муаммоли вазиятларни бартараф этишда оқилона қарорлар қабул қилиш, шунингдек, уларнинг бажарилишини назорат қилишда бошқарув фаолиятини маълум бир изчиликда лойиҳалаштиришни назарда тутади [87, 105-бет].

Демак, УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти

жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири раҳбарнинг бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро боғлиқдиги ва алоқадорлиги бўлиб, белгиланган мақсадларга эришишда субъектлар томонидан бажариладиган вазифаларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқдигини ҳисобга олиш ва ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш зарур ҳисобланади.

У.И.Иноятовнинг фикрича, бошқарув фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари бошқарувнинг асосий функцияларини бажаришда мавжуд бошқарув амалиётига хос функционал ҳамда структуравий ёндашувлар орқали ифодаланади. Структуравий ёндашувда бошқарув механизми муносабатлар структураси орқали амалга оширилади, яъни бошқарув ҳаракатлари бошқаришни ташкил этиш, унинг алоҳида функцияларини ва бажариш тартибини ўрганиш, шунингдек, бошқарув тизими структурасининг таҳдилига асосланади. Бундай ёндашувда директор ва унинг ўринbosарлари ўқувчи ва ўқитувчиларнинг фаолиятидаги “горизонталь” ва “вертикал” алоқаларнинг созловчиси (тартибга солувчи) вазифасини бажаради ва улар таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини ва барча жараёнларни назорат қилиш имкониятига эга бўлади [32, 102-бет].

Шундай экан, УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишда горизонталь” ва “вертикал” бўйича иш тақсимоти, педагогик жараён субъектлари ва раҳбарларнинг ўзаро муносабатлари жараёнидаги погонавийликнинг аҳамиятини келтириш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, таълим муассасасини бошқариш функцияларини амалга оширишни режалаштиришда, энг аввало, бошқарувнинг мақсади, функцияларининг мазмун-моҳияти ва вазифалари инобатга олинади. Умумий мақсадларга эришишда мазкур функцияларни амалга ошириш тизимини ташкил этувчи вазифаларнинг бажарилиш кетма-кетлиги белгиланади ҳамда мазкур вазифаларни бажаришда қўлланиладиган бошқарув методлари танлаб олиниб, бошқарув фаолияти бошқарувни ташкил этиш тамойиллари ва қонуниятларига асосан амалга оширилади, бунда бошқарув фаолияти фақатгина мақсадга йўналтирилган ҳаракатларнинг тўлиқ тўплами ёки ҳаракатлар занжири шаклида мавжуд бўлади, мазкур занжир бошқарув алгоритмини ифодалайди. Бошқарув алгоритми педагогик жараённинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотлар тўплаш, қайта ишлаш ва объектив баҳолаш; бошқарув фаолияти мақсадини белгилаш; бошқарув фаолиятини олдиндан кўриш (англаш) ва режалаштириш; кадрлар танлап

ва жой-жойига қўйиш; жамоа фаолиятини назорат қилиш ва ташхис; жамоа аъзоларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш; таълим муассасаси фаолиятининг ривожланиш майиллиги ва динамикасини аниқдашдан иборат бўлиб, мазкур босқичлар изчиллигига, бошқарув методларини қўллаш ёрдамида бошқарув функцияларининг бажарилиши амалга оширилади [87, 128-129-бетлар].

Мазкур фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан бири бошқарув функцияларини маълум бир изчилликда амалга оширилишининг зарур бўлган ахборотларни тўплаш, таҳдил қилиш ва объектив баҳолаш асосида УЎТМ фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқдаш, мавжуд сунъий тўсиқ ва йўл қўйилаётган хатоликларни бартараф этиш, ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш, субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш ишлари маълум бир изчилликда амалга оширилади.

Қ.О.Шодмоновнинг фикрича, бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларидан бири жамоа фаолиятини ташкил этишда бошқарув методларидан мазмун-моҳиятига ва вазифасига кўра тўғри фойдаланиш бўлиб, бошқарув жараёнида ходимлар фаолиятини ташкил этиш ва уларни мувофиқлаштиришда таълим муассасаларини бошқаришга мос келадиган методларни қўллаш зарур ҳисобланади [98, 43-бет].

С.Т.Турғунов томонидан [87] таълим муассасаларини бошқаришга кўп даражада мос келадиган иқтисодий, ташкилий-маъмурий, ижтимоий-психологик ва ахборотлар тўплаш каби бошқарув методларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг таълим муассасаларини бошқаришдаги аҳамияти ёритиб берилган бўлиб, мазмун-моҳиятига кўра мазкур бошқарув методлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Бошқарув методларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг таълим муассасаларини бошқаришдаги аҳамиятини ўргангандан ҳолда айтиш мумкинки, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятининг муҳим аҳамият касб этувчи жараёнларидан бири – бу мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни рағбатлантириш, мукофотлаш ёки жазолаш жараёнлари бўлиб, унда раҳбарлар иқтисодий методлардан фойдаланишади. Бу жараёнларда ахборотларнинг янгилиги ва ишончлилиги, вазиятларга кўра мавжуд эҳтиёжларнинг долзарблиги

муҳим аҳамият касб этади ва булар мазкур жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида хизмат қиласди.

УЎТМ фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш йўналишларида турли мазмундаги қарорлар, буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмалар тайёрлаш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш жараёни УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятининг муҳим аҳамият касб этувчи асосий жараёнларидан бири ҳисобланади. Мазкур жараёнда ташкилий-маъмурӣ методлардан мазмун-моҳиятига кўра тўғри фойдаланиш ўзига хос аҳамият касб этади. Қарор, буйруқ, фармойиш ва кўрсатмалар тайёрлаш ва уларни ўз вақтида тегишли шахсларга етказиш ва бажарилишини назорат қилишда УЎТМдаги шарт-шароитлар ва мавжуд вазиятларни объектив баҳолаш, умумий манфаатларнинг уйгунлашуви, бажарувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олиш, бажарилиш муддатларини реал белгилашнинг зарурияти УЎТМ раҳбарлари томонидан ташкилий-маъмурӣ методлардан фойдаланиш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Тадқиқотчилар бошқарув фаолиятининг қўиидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатишади: интегратив сифатлар, алоҳида олинган ташкил этувчи қисмлардан бирортаси ҳам бундай сифатларга эга эмас; ташкил этувчи компонентлар, улар таълим муассасасининг ташкилий қисмлари ҳисобланади; структура – бу ташкил этувчи қисмлар ўртасидаги белгиланган алоқа ва муносабатлар; тизимнинг ва уни алоҳида компонентларининг функционал тавсифлари; ички ва ташки мұхитлар ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида вужудга келувчи коммуникатив хусусиятлар [87, 33-бет].

А.А.Хўжаев томонидан бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида мақсадларга эришишда ахлоқий нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда ечимлар қабул қилиш зарурлиги; таълимни бошқариш – ҳам саънат, ҳам фан эканалиги, унда одамлар билан муносабатларни ва фанни билиш муҳим аҳамиятга эгалиги; шахсий, давлат ва жамоат манфаатларининг диалектик бирлиги бошқариш мазмунида ўз аксини топиши; таълимни бошқаришда жамоатчиликнинг кенг иштироки; таълимни бошқаришда турли хил, жумладан иқтисодий, ижтимоий-психологик, ташкилий-педагогик ва бошқа услублардан фойдаланиш имконини берадиган шакл ва услубларни мунтазам такомиллаштиришнинг зарурияти келтирилади [94, 8-бет].

УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти жараёнларини

ўзига хос хусусиятларидан яна бири таълим муассасаси фаолияти самарадорлиги ходимларнинг мақсадни белгилаш ва қарорлар қабул қилиш жараёнида эркин иштирок этиши, мустақил ва эркин ҳаракат қилиши, ўз фикр ва ташаббусларини намоён қилиши учун зарурий шарт-шароитларнинг яратилишига боғлиқлиги бўлиб, бунда УЎТМ раҳбарлари таълим муассасасида ижобий ва ижодий таълимий мұхитни шакллантиришга хизмат қилувчи бошқарувнинг ижтимоий-психологик методларидан фойдаланиб, ўз функционал вазифаларини амалга оширадилар.

Р.Х.Джураев ва С.Т.Турғуновларнинг фикрига кўра, таълим муассасаси раҳбари бошқарув фаолияти давомида ўз муассасасининг фаолияти, таълим-тарбия жараёнининг ҳолати, ходимларнинг ўз вазифасига бўлган муносабати, ўзаро муносабатлар, яъни ўқувчи ва ўқитувчиларнинг муносабатлари, шунингдек, умумий мақсадга эришиш учун амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва самарадорлиги, ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳамда ташкил этилаётган дарсларнинг сифати тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиши учун зарурий ахборотлар тўплаши лозим.

Муаллифларнинг таъкидлашича, таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув фаолиятида қўллайдиган методлари ичида мұхим аҳамият касб этувчи методлардан бири ҳисобланган ахборотлар тўплаш методи меъёрий ҳужжатларни ва илгор педагогик тажрибаларни ўрганиш, таълим-тарбия жараёнини таҳдил қилиш, сўровномалар ўтказиш, ходимларни аттестациядан ўтказиш, таҳдилий баҳолаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш, статистик ва математик таҳдил ва бошқа кўпгина усувларни ўз ичига олади [26, 43–44-бетлар].

Адабиётларда таълим муассасаларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида бошқарувда ҳар бир шахснинг ижодий имкониятларини кўрсата олиш имконини берадиган шакл ва услубларни қўллаш зарурияти; бошқарувда раҳбарнинг “уддабурон” бўлиши, яъни ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этилаётган даврда юзага келадиган ўзгарувчан шарт-шароитларга ўз вақтида мослаша олиши; жамоанинг таълим-тарбиявий фаолиятини режалаштиришда моддий харажатлар масаласи самарали ҳал қилиниши; бошқаришни такомиллаштириш субъективликни рад этиши, муваффақият масаланинг қай даражада тўғри қўйилганлиги ва қанчалик ўз вақтида бажарилишига боғлиқлиги; бошқариш самарадорлигига раҳбар ходимларнинг билим даражаси ва касбий тайёргарлигининг таъсир кўрсатиши келтирилади [94, 14-бет].

Таълим муассасаларини бошқариш йўналишидаги адабиётлар [14; 20; 21; 23] да келтирилган маълумотларнинг хилма-хиллиги УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти ўзига хос қатор хусусиятларга эга эканлиги ҳамда уларни УЎТМ раҳбарлари ўз бошқарув фаолиятида инобатга олиши мұхим ажамият касб этишини кўрсатади.

Мазкур манбаларда келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мүмкінки, бошқарув фаолияти жараёнида ихтиёрий раҳбарлик услуби барча вазиятларда универсалликка даъвогар бўла олмаганилиги, яъни маълум бир вазиятда самарали бўлган услуб бошқа бир вазиятда самарасиз бўлиши ва аксинча бўлиши мүмкинлиги УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти жараёнлари қатор ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини тасдиқлайди. Яъни бошқарув фаолияти жараёнида УЎТМ раҳбарлари раҳбарлик услубларидан оқилона фойдалана олишининг заруратини УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида келтириш мүмкин.

УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти жараёнларидан бири инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш бўлиб, тадқиқотларда инновацион жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш ва бунда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарурлиги белгилаган. Шунингдек, раҳбарнинг инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнини мураккаб, кўп даражали жараён сифатида изоҳлашда қўйидаги бир қатор хусусиятларни инновацияларга хос хусусиятлар сифатида келтирилган: диалектиклик, даврийлик, асосланганлик даражаси, ихтилофлилик, ажамиятлилик, таваккалчилик, раҳбарлик услубларини тавсифлаш қобилияти, вазиятга алоқадорлик, таркибий тузилишга эгалиги (структуравийлик), инновацион ҳаракатлар стратегиясини шакллантириш имконияти, бошқарувчанлик, ижтимоий мўлжалланганлик, инсонларнинг қизиқиши бўйича табақалаштириш қобилияти, инновацияларнинг субъект томонидан қабул қилиниши [87, 33-бет].

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятининг асосий йўналишлари (1.1-мавзу) бўйича ўз функционал вазифаларини амалга ошириш жараёнлари ҳам ўзига хос жараён сифатида қатор хусусиятларга эга.

Хусусан, педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш йўналишидаги бошқарув фаолияти жараёнининг ўзига хос хусусиятлари сифатида педагог

ходимлар фаолияти самарадорлигини оширишда илгор педагогик тажрибаларни оммалаштиришнинг аҳамиятилиги; ДТС талабларини амалиётда қўллаш ва уни бажарилиш мониторингини олиб боришнинг зарурлиги; педагог ходимлар учун узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этишда замонавий ахборот-коммуникацион технологияларнинг аҳамиятилиги; таълим муассасаси ва социум муносабатларида узлуксиз алоқани таъминлашнинг мажбурийлигини келтириш мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш ва ривожлантириш жараённинг ўзига хос хусусиятлари сифатида ўзини ва ўз фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришда рефлексив ёндашувни татбиқ этишнинг мажбурийлиги ва аҳамиятилигини ҳамда ўзини ўзи объектив баҳолаши, ўз фаолиятини ва шахсий сифатларини ўзи томонидан ташхис этишининг самарадорлигини келтириш мумкин.

Ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш жараённинг ўзига хос хусусиятлари сифатида ҳамкорликда қабул қилинган қарорлар ижросининг натижавийлиги; белгиланган мақсадга эришиш йўналишида вазифалар белгилашда ходимларнинг таклифлари ва фикрларини инобатга олиш самарадорликни кафолатлаши; ҳамкорликдаги бошқарув фаолияти самарадорлигининг мотивлаштиришга боғлиқлиги каби хусусиятларни келтириш мумкин.

Педагогик жараён субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш жараёнлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, УЎТМ раҳбарлари билан ўқувчилар ўргасидаги поғонавийлик минимал даражада бўлишининг зарурати, яъни поғонавийлик даражаси билан ўқувчиларда ўқув мотивларини шакллантириш даражасининг номутоносиблиги; ўқувчиларда билим олиш эҳтиёжини мунтазам шакллантириш ва ривожлантириб бориш педагогик жараённинг самарадорлик даражасини белгилаши; педагогик жараён субъектларида инновацион жараёнлар натижаларига қизиқиши шакллантиришнинг аҳамиятилиги, субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиришда ахборотларнинг янгилиги ва ишончлилиги, мотивларнинг ва мотивлаштириш жараёнларининг аҳамиятилиги каби хусусиятлар унга хос хусусиятлардан ҳисобланади.

Инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари сифатида инновацион жараён иштирокчиларида янгиликларга қизиқиши шакллантиришнинг аҳамиятилиги; инновацион жараён иштирокчилари фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-

кувватлаш инновацияларни оммалаштиришга хизмат қилиши; инновациянинг асосланганлик даражаси, инновациянинг ихтилофлилиги, аҳамиятлилиги таваккалчилик даражаси, инновациянинг вазиятга алоқадорлиги, структуравийлиги ва бошқарувчанлиги ҳамда ижтимоий мўлжалланганлиги инновацион жараёнлар самарадорлигига ўз ҳукмини ўтказишини келтириш мумкин.

УЎТМ раҳбарларининг таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш йўналишидаги бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари сифатида педагогик жараёнлар самарадорлиги жамоадаги қулай таълимий мұхитни шакллантиришга боғлиқлиги; ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятининг самарадорлиги иштирокчиларнинг бошқарув йўналишидаги тушунчалари, билими, кўникма ва малакаларига, шунингдек, жамоатчилик ташкилотлари ва жамоавий бошқарув органларининг фаоллигига боғлиқлиги; ҳамкорликда бошқарув жараёни иштирокчиларининг бошқарув фаолияти ўзига хос интегратив тизим эканлиги; инновацияларни жорий этишда замонавий ёндашувлаар (тизимли, вазиятли, этник, миллӣй-худудий, шахс-фаолият, корпоратив ёндашувлари)нинг аҳамиятлилиги; таълим муассасасини мунтазам ривожланиб боришида олдиндан кўриш ва режалаштириш функцияларини амалиётта татбиқ этишнинг самарали эканлиги; таълим муассасаси фаолияти бўйича тўпланган ахборотларнинг янгилиги ва ишончлилигини таҳдил қилиш ва объектив баҳолашнинг зарурлиги каби хусусиятларни келтириш мумкин.

Шунингдек, С.Т.Турғунов ва Қ.О.Шодмоновлар томонидан ажратиб кўрсатилган қўйидаги бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини келтириш мумкин:

- таълим муассасалари раҳбар ходимларининг бошқарув фаолияти ўзига хос интегратив тизим эканлиги;
- раҳбар ходимларнинг назарий билимлари, касбий ва шахсий сифатларининг ўзаро боғлиқлиги;
- таълим жараёнининг бошқарувчиси ва иштирокчиси сифатида субъект интеграцияси;
- бошқарув фаолиятида самарадорлиги таълим-тарбия жараёнининг натижавийлигини ифодалashi;
- бошқарув фаолиятида погонавийлик билан самарадорликнинг номутаносиблиги;
- таълим муассасасини бошқариш мазмун-моҳиятига кўра маълум бир мақсадга эришишга йўналтирилган, ўзига хос

хусусиятларга эга бўлган бошқарув функцияларини амалга оширишни назарда тутиши;

– бошқарув тизими табиатига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлган компонентлар мажмусидан иборат эканлиги;

– бошқарув тизими компонентларининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги; бошқарув функцияларини маълум бир изчилилликда амалга оширилишининг аҳамиятлилиги;

– ривожланишнинг ички эҳтиёжлар ва манфаатларга боғлиқлиги, уларни аниқламасдан ривожлантириш йўналишини мажбуран белгилашнинг мумкин эмаслиги;

– бошқарувни илмий асосда ташкил этиш таълим муассасасида ижодий мұхитни яратиш заруриятини белгилаши;

– жамоада мажбурий итоаткорлик ўрнида онгли интизомни шакллантиришнинг зарурияти;

– бошқарувни такомиллаштиришнинг рефлексив фаолиятга боғлиқлиги;

– бошқарув контекстида тарбиявий муносабатларнинг ўзига хослиги;

– инновацион жараённинг натижаси таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шахсий қизиқышларига боғлиқлиги;

– ички ва ташқи мұхитлар ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида вужудга келувчи коммуникатив хусусиятлар;

– коммуникацион жараёнларда раҳбарларнинг фаолиги ҳамда ахборотлар аниқ ва ишончли бўлиши зарурияти;

– педагогик тизимнинг ташқи мұхит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларига эга эканлиги;

– бошқарув фаолиятининг услубий хусусиятлари билан ходимларнинг шахсий хусусиятлари, самарали бошқарув методлари ўртасидаги боғлиқлик;

– самарали бошқарувнинг мақсади ва вазифаларини раҳбарлар ва ходимларнинг тушуниши ҳамда бошқарув фаолияти ҳолатларини ўзgartиришга таъсир кўрсатувчи мұхитнинг ўзаро боғлиқлиги;

– раҳбар шахсининг индивидуал-психологик хусусиятлари билан бошқарув вазиятларини белгилаш, раҳбар амалга ошираётган услублар ўртасидаги боғлиқлик;

– инновацион фаолиятнинг самарадорлиги билан унинг натижаларига нисбатан ходимларда қизиқышни шакллантиришнинг ўзаро боғлиқлиги;

– ҳамкорликда бошқарувнинг натижавийлиги билан раҳбар ва ходимларнинг бошқарув йўналишидаги билими, кўнишка ва малакаларининг ўзаро боғлиқлиги;

– бошқарув функцияларини амалга оширишда бошқарув методларининг аҳамиятлилiği [98, 52–53-бетлар].

Мазкур келтирилган УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари қатори қўйидаги хусусиятларни УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолиятига хос хусусиятлар сифатида келтириш мумкин:

– УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишлари ўзига хос интегратив тизим эканлиги;

– УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятида поғонавийлик билан самарадорликнинг номутаносиблиги;

– УЎТМ раҳбарларининг ўзини ўзи ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштиришнинг рефлексив фаолиятга боғлиқдиги;

– УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлиги таълим муассасаси фаолиятининг натижавийлигини ифодалаши;

– УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқдиги;

– УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлиги таълим муассасасидаги мавжуд муҳитнинг ҳолатига боғлиқдиги;

– УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти табиатига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлган компонентлар мажмуидан иборат эканлиги;

– УЎТМ фаолияти самародорлиги педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш заруратини белгилаши;

– УЎТМ раҳбарларининг функционал вазифаларини маълум бир изчиликда амалга оширишнинг аҳамиятлилиги;

– УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлиги мавжуд эҳтиёжлар ва умумий манфаатларнинг уйғуналашувига боғлиқдиги;

– УЎТМ фаолиятини такомиллаштириш самарадорлиги раҳбарларининг аниқ ва ишончли ахборотларга асосланишига боғлиқдиги.

Юқорида келтирилган раҳбар ходимларининг назарий билимлари, касбий ва шахсий сифатларининг ўзаро боғлиқдиги, ҳамкорликда бошқарувнинг натижавийлиги билан раҳбар ва ходимларнинг бошқарув йўналишидаги билими, кўникма ва малакаларининг ўзаро боғлиқдиги каби қатор хусусиятлар УЎТМ раҳбарларининг касбий копетентлилиги ва уни ривожлантириш технологияларини ўрганишни тақозо этади.

### **1.3. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларига қўйилаётган талаблар ва уларнинг касбий компетентлилиги**

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб ўтган қисқа вақт ичидаги ўзбек халқи сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда катта ютуқларга эришди. Ўз тарихига янгича тафаккур асосида ёндашиш, улуг аждодлар қолдирган бой маданий, маънавий меросни ўрганиш шарафига муяссар бўлди, миллӣ гурури қайта тикланди. Узлуксиз таълим тизимида илм-фан, жумладан педагогика фани янги тараққиёт босқичига кўтарилимоқда, ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шуҳратини тиклаш, уларнинг ғояларини халқ ҳаётига татбиқ этишдек улуг ишлар амалга оширилимоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар билан бир қаторда таълимни модернизациялаштириш йўналишида кенг қамровли ишлар амалга оширилимоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг “2004–2009” йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида“ги Фармони умумий ўрта таълимни ривожлантириш, жамият ва шахс эҳтиёжларини қондириш ҳамда таълим жараёни иштирокчиларига зарурый ва етарли шароитларни яратишга қаратилган бўлиб, у умумий ўрта таълим соҳасида жуда катта ривожланиш ва ижобий ўзгаришларга хизмат қилди.

Мамлакатимизда таълим тизимига ва унинг сифат ва самарадорлигига давлатимиз томонидан қаратилаётган эътибор, таълим муассасаларини замон талаблари даражасида янги технологиялар билан жиҳозланиши, шунингдек, ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш учун зарурый шароитлар яратилиши умумий ўрта таълим муассасалари барча раҳбарларининг ўз устида ишлапши, янги педагогик технологияларни жорий этиш борасида изланишлар олиб боришини ҳамда бошқарув фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади.

Илгор педагогик технологияларни кенг ўзлаштирилиши, ўқувчиларнинг қобилияtlари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этилиши ҳамда таълим беришнинг илгор педагогик технологияларни, замонавий ўқув-услубий мажмууларни яратилиши, таълим-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминланиши таълимни бошқариш тизимини такомиллаштиришга асос бўлмоқда. Бу, ўз навбатида умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарлари зиммасига таълим, фан, техника ва технологияларнинг жаҳон миқиёсидаги ютуқларини,

янгиликларини татбиқ этган ҳолда педагогик жараённи илмий асосда ташкил этиш ва уни лойиҳалаш йўналишлари, шунингдек, бошқарув фаолиятларида вужудга келаётган ноанъанавий муаммоларни ижобий ҳал этиш борасида турли янги вазифаларни юклайди.

УЎТМ раҳбарларининг таълим муассасасида педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва уни бошқариш ҳамда жамоада қуай таълими мұхитни шакллантириши учун бошқарувнинг турли хил замонавий усулларини билиши ва уларга асосланиши, ривожлантирувчи гоялар йўналишини аниқлай олиши, илфор тажрибаларни ва фан-техника ютуқларини мунтазам ўрганиб бориши, уларни ўз фаолиятида татбиқ этиши, бошқарув жараёнида инновацион фаолиятни ташкил эта олиши зарур ҳисобланади.

С.Т.Турғуновнинг фикрича, таълим муассасаларида педагогик ходимларнинг фаолиятларини такомиллаштириш ва ўқув жараёнини ривожлантиришнинг энг асосий шартларидан бири – раҳбарларнинг бошқарув фаолиятини илмий асосда ташкил этилишидир. Бошқарув фаолиятининг илмийлиги – янгиликларни излаш, ўрганиш ва уларга асосланиш ҳамда илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш, бошқарувнинг педагогик, психологик ва ижтимоий-иқтисодий асосларини ўзлаштириш, шулар қатори бошқарув жараёнига инновацион ёндашув технологияларини жорий этиш каби вазифаларни белгилайди [77, 5-бет].

Тадқиқотларда келтирилишича, таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнида раҳбарлар томонидан ўзига хос аҳамият касб этувчи қўйидаги вазифалар бажарилиши зарур: белгиланган мақсадга эришиш учун вазифалар белгилаш ва белгиланган вазифаларни бажариш йўналишида ташкил этиладиган фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл-йўриқларини танлаш, қарор қабула қилиш; вазифаларнинг мазмун ва моҳиятига кўра мутахассисларни танлаш ва бажариладиган вазифаларни тақсимлаш; таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш, педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш; моддий-техник ва замонавий илмий-методик маҳсулотлар билан таъминлаш; таълим муассасаси ва социум муносабатларининг узлуксиз алоқасини таъминлаш; илфор педагогик тажрибалар ва замонавий ахборотлар технологияларидан фойдаланилишини таъминлаш; ДТС талабларини амалиётда кўllaш ва унинг мониторингини олиб боришини ташкил этиш;

таълим муассасасининг ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниқлаш учун педагог ходимлар ва ўкувчилар ўргасида анкета сўровлари ва сұхбат ўтказиш асосида ахборотлар тўплаш ва таҳлил қилиш; таълим муассасаси фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишида белгиланган вазифаларни қайта кўриб чиқиши, янгилаш, лавозимлар бўйича давлат талаблари асосида кадрлар танлаш ва жой-жойига кўйиш; ўқитувчиларнинг инновацион фаолият натижаларига қизиқишини шакллантириш ва рағбатлантириш асосида инновацион фаолиятни ташкил этиш; қабул қилинган қарор ва буйруқларнинг бажарилишини назорат қилиш [98, 14–15-бетлар].

С.Т.Тургуновнинг таъкидлашича, мактабни бошқариш мазмун-моҳиятига кўра таълимни бошқаришдан фарқ қиласди, чунки мактабда фақат таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни бошқариш вазифалари амалга оширилмайди, балки таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этишининг ўзиёб бир қанча вазифаларнинг бажарилишини, яъни таълим-тарбия жараёни иштирокчиларига зарурий шароитларни яратиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, мазкур жараённи амалга ошириш учун моддий-техника базасини яратиш ва мустаҳкамлаб бориш, янги педагогик ва ахборот технологиялари билан куроллантириш, юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш каби қатор бошқа вазифаларни ҳам амалга оширишни назарда тутади [81, 25-бет].

Шунинг учун муаллиф, мактабда бошқарув фаолиятини ташкил этувчи раҳбарлар нафақат педагогик тажрибага, балки бошқарув функциялари ва уларнинг вазифалари, бошқарув методлари ва улардан фойдаланиш, бошқарув алгоритми ва унинг моҳияти, бошқарув қарорлари ва уларни қабул қилиш йўллари ҳамда раҳбарлик услублари ва уларни қўллаш каби қатор тушунчаларга ҳам эга бўлиши зарур деб ҳисоблади [81, 26-бет].

Амалиётда кўпчилик раҳбарларнинг бошқарув фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан раҳбарнинг ўз лавозимида қанча муддат ишлаганига, яъни бошқарув жараёнида орттирган тажрибасига боғлиқ деб ҳисоблади. Тадқиқотларда эса, таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришда раҳбарларнинг бошқарув фаолияти самарадорлиги, асосан, уларнинг бошқарув йўналишидаги тушунчалари, билими, кўнникма ва малакалари даражасига ҳамда уларнинг шахсий хусусиятлари ва касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларига боғлиқ, деб кўрсатилади.

Мазкур фикрга асосланган ҳолда, адабиётларда келтирилган раҳбар шахси ва унинг шахсий хусусиятлари ҳамда касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларига хос қўйидаги талабларни келтириш мумкин:

Барча бўғинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонкуярлик билан ишламас экан, ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди [2, 39-бет].

Раҳбар ҳар қандай вазиятларда ҳам ўзини тута олиши, ташаббускор бўлиши, ҳар қандай вазиятлардан жамоани олиб чиқа олиши, тараққиёт билан баробар қадам ташлаши, кўпчилик дарди билан яшаши, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳамижодкорлик билан иш юритиши, касбий-услубий маҳорат эгаси бўлиши, сўзи билан иши бир бўлиши, мақсадни аниқ қўя оладиган ва унинг ижросини таъминлайдиган бўлиши, вижданли ва адолатли бўлиши, самимий, вазмин, бағрикенг бўлиши, ижодкор, бунёдкор ва яратувчан бўлиши, талабчан ва меҳрибон, вақтнинг қадрига етадиган, хушмуомала инсон бўлиши керак [36, 8-бет].

Раҳбар ва бўйсунувчиларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида, яъни коммуникацион жараёнда йўлбошчиликнинг ўта нозик қирраси – бўйсунувчилар билан ўзаро муносабат бўлиб, агар раҳбар уни ўрната олмаса, ўз ишида муваффақиятга эришиши, низолар ва руҳий зарбаларни четлаб ўта олиши амри маҳолdir [93, 48–49-бетлар].

Бу ҳақда “Темур тузуклари”да шундай дейилган: “Амр қиддимки, вазирлар ушбу тўрут сифатга эга кишилардан бўлишлари лозим: биринчиси – асилилк, тоза наслалилк; иккинчиси – ақа, фаросатлилк; учинчиси – сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалилк; тўртингчиси – сабр-чиdamлилк ва тинчликсеварлик” [71, 89–90-бетлар].

Мазкур келтирилган том маънодаги фикрларда раҳбарларнинг билими, кўникма ва малакалари, қобилияти ва фазилатлари, фидойилиги ва шахсий сифатлари бўйича табиий ҳолда мавжуд талаблар ўз ифодасини топган, деб айтишимиз мумкин.

Лавозим вазифалари бўйича қўйилган талабларда раҳбар ва педагог кадрлар томонидан биринчи навбатда давлат сиёсатини, таълим соҳасига оид бўлган меъёрий ҳужжатларни, таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш қоидаларини чуқур билишига ва ўз фаолиятида қўллаш кўникмаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан биргалиқда, раҳбар ва педагог кадрлар таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва мазкур тизимни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича

белгиланган вазифалар ҳамда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий асослари, педагоголар ва ўқувчилар жамоасининг фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, бошқарув фаолияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари, асосий тушунчалари ва тамойиллари каби қатор тушунчаларга эга бўлиши зарурлиги кўрсатилган.

С.Т.Тургуновнинг фикрича, педагогик жамоа раҳбарининг касби ихтиёрий бошқа касблар каби профессионал фаолият билан шуғулланувчи шахсга нисбатан ўзига хос талаблар белгилайди. Умумий ўрта таълим муассасаси директори шахсига қўйилаётган талабларнинг энг асосийларидан бири инновацион компетентлиги, яъни инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ функцияларни бажариш ва мавжуд бўлган муаммоларни жамоа аъзолари билан биргаликда, коллегиал ҳал қилишни ташкил этиш фаолиятини такомиллаштириш йўналишида бошқарув қобилиятларини ривожлантиришдан иборат [87, 157-бет].

У.И.Иноятовнинг таъқидлашича таълим муассасаси раҳбарларининг билими, кўникма ва малакалари даражасини баҳолаш мезонида баҳолашнинг алоҳида кўрсаткичлари сифатида қўйидагиларга эътибор қаратилади:

1. Квалификация – бу директорнинг педагогика соҳасидаги билими, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, таълим-тарбия жараёни иштирокчилари ҳамда ходимларнинг педагогик ва психологик хусусиятлари, мутахassisлиги ҳамда касбига нисбатан қўйилаётган ижтимоиймеъёрвatalablarнибилиши, шунингдек, бўлажакмутахassis квалификацияси ҳамда таълим муассасасини бошқаришининг назарий асослари йўналишида тушунчаларга эга бўлиши.

2. Касбий маҳорат – бу мавжуд ягона педагогик талаблар асосида, педагогик ходимлар ҳамда ўқувчиларнинг гимкониятларини ўрганиб, уларни ҳисобга олган ҳолда, мактаб жамоасини шакллантириш, фаолиятини мувофиқлаштириш, жамоа олдида турган вазифаларни бажаришда мавжуд муаммоларни ва масалаларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиш; жамоатчилик ташкилотларини тузиш ва уларни мактабни бошқариш ишларига жалб этиш; ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш асосида педагогик ходимлар билан таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, танқид ва ўз-ўзини танқид заруриятини ҳисобга олган ҳолда уларнинг хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, тартиб-интизомни ва уюшқоқликни сақлаш; бошқарув фаолиятининг мақсад ва вазифаларини белгилаш; мактаб жамоаси фаолияти ҳамда педагогик ходимларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини

ишилаб чиқиши йұналишларидағи ижтимоий-психологик күнінің ва малакалардан иборат.

3. Фаолият унұмдорлығи – бу таълим олувчиларнинг давлат таълим стандартлари асосындағи үзлаштириш күрсаткышлари [32, 116–117-бетлар].

Юқорида көлтирилген мағлумоттарға асосланған ҳолда айтиш мүмкінкі, УҰТМ раҳбарлари мактабни бошқаришда инновациян ғендашувларға асосланиши, касбий ақамиятта зәға бўлган шахсий сифатларга зәға бўлиши, ихтиёрий вазиятларда үзини ўзи назорат қила олиши, шунингдек, таълим муассасасида ҳукм сурувчи тарбиявий муносабатларни эътиборга олган ҳолда фаолият олиб бориши, турли хил масалаларни ва муаммоларни ҳал этишда мавжуд ҳуқуқий-меъёрий мезонларға асосланиши зарур бўлиб, булар раҳбарнинг бошқарув йұналишида компетентлигини ифодалайди.

Бошқарувда компетентлилик УҰТМ раҳбарларининг маънавий дүнёқарашы, психологияк-педагогик ва ташкилий-технологоик салоҳияти, яъни унинг касбий имкониятлари салоҳиятини тасвирлайди. Мазкур салоҳиятни УҰТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти жараённинг үзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув фаолияти жараённинг ҳолати ва самарадорлиги орқали аниқлаш мүмкін бўлади.

В.П.Топоровскийнинг фикрича, бошқарувда компетентлилик раҳбарнинг бошқарув йұналишидағи тушунчалари даражаси, унинг индивидуал қобилиятлари ва малакаси, үзини ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга бўлган мойиллиги, интилишлари, шунингдек, замонавий талаблар асосида таълим муассасасини бошқариш имкониятлари орқали аниқланади [74, 80-бет].

С.Г.Турғунов замонавий мактаб директори касбий ҳамда педагогик тушунчаларни үзлаштирасдан бошқарув фаолияти билан шуғулланиши мақсадга мувофиқ әмаслигини таъкидлаб, бошқарувда компетентлилик иккиси – бошқарув ва педагогик компонентларни үз ичига олади, деб ҳисоблайди.

Муаллиф бошқарув компонентларининг асосий күрсаткышлари сифатида бошқарув функцияларини бажаришда замонавий метод ва воситалардан фойдаланиш; бошқарув методлари ва раҳбарлик услубларидан фойдаланишда ташки мұхиттінің үзгаришларини инобатта олиш; мактаб вә социум муносабатларыда узлуксиз алоқаны таъминлаш; жамоаниң ҳаёттій фаолиятини мавжуд вазиятларга мос равишда таъминлаш; бошқарувда замонавий ахборот

технологиялари ва коммуникация воситаларидан фойдаланиш; педагогик жамоани бошқарища таълим менежменти асосларини амалиётга татбиқ этишни ҳамда педагогик компонентларнинг асосий кўрсаткичлари сифатида таълим-табия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва замонавий илмий-методик маҳсулотлар билан таъминлаш; давлат таълим стандартларини амалиётда қўллаш ва унинг мониторингини олиб бориш, педагогик ходимлар ва ўқувчилар ўртасида анкета сўровлари ва тест синовлари ўтказиш; лавозимлар бўйича давлат талаблари асосида кадрлар танланш ва жой-жойига қўйиш, таълим муассасаси педагогик ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этишни келтиради [87, 173–174-бетлар].

А.К.Макаров бошқарувчининг касбий тайёргарлигини асоси компетентлилик деб белгилаган ҳолда, икки йўналишни, яъни маълум бир соҳа бўйича касбий ва шахсий компетентлиликни ажратиб кўрсатади. Биринчиси – бу касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги етуклик, иккинчиси – қатор зарурӣ умуминсоний сифатларга эришиш [47, 19-бет].

Тадқиқотларда УЎТМ директори шахси компонентларидан бири сифатида бошқарувда компетентлилик келтирилиб, бошқарувда компетентлилик йўналишида мактаб директори таълим муассасасини бошқаришда тизимили ёндашувни татбиқ этиш; бошқарув функциялари, восталари, методларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ва уларни амалга ошириш усувларини; раҳбарлик услублари ва улардан оқилона фойдаланишни; мактаб ва социум ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосларини; меъерий ҳужжатлар билан ишлаш ва мактаб фаолиятининг регламенти асосларини; таълим менежменти асосларини; ахборот технологиялари ва коммуникацион воситалардан фойдаланишни; таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш масалаларини; давлат таълим стандартлари ва уларни амалиётга татбиқ этиш мезонларини; таълим муассасаси фаолияти мониторингини юритишни; ахборотлар тўплаш методлари ва улардан фойдаланишни; персонални бошқариш, иш юритиш ва бухгалтерлик ҳисоби асосларини билиши ва мазкур йўналишлар бўйича зарурӣ тушунчаларга эга бўлиши кўрсатилади [87, 181-бет].

Юқорида келтирилган маълумотларда мактаб раҳбарларининг касбий компетентлилигини икки тизим, яъни билиши зарур бўлган тушунчалар ва ўзлаштириши зарур бўлган кўникмалар орқали ифодаланаётганини, аниқроғи раҳбарларда шаклланиши зарур

бўлган билим ва кўникмалар орқали тавсифлананаётганини инобатга олиб, УЎТМ раҳбарлари таълим муассасасида ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш, педагог ходимларни касбий ва шахсий жиҳатдан ривожлантириш, маънавий бойитиш ҳамда интеллектуал қобилияtlарини янада ривожлантиришга йўналтирилган қуалай таълимий мухитни барқарорлаштириши заруриятидан келиб чиқиб, УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлигининг қўиидаги асосий компонентларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– ўз фаолияти ва таълим муассасаси фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва объектив баҳолашга хизмат қилувчи рефлексив қўникмалар;

– ўз фаолияти ва ўзаро муносабатлар жараёнидаги хатти-ҳаракатларининг натижаларини ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнига тайёргарлигини ҳис этишни ифодаловчи олдиндан кўриш қўникмалари;

– бошқарув жараёнларида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларда субъектлар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш қўникмаси;

– бошқарув жараёнларида мавжуд сунъий тўсиқ ва қарама-қаршиликларни жамоадаги онгли интизомга салбий таъсир кўрсатишни олдини олиш қўникмаси;

– ҳамкорликда фаолият кўрсатиш ва вазиятларга кўра раҳбарлик услубларидан оқилона фойдаланиш қўникмаси;

– мулоқотга осон киришиш қўникмаси;

– коммуникатив компетентлилик ҳисобланган, турли шароитларда инсонлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишга мос бўлган ўзаро таъсир кўрсатиш қўникмаси;

– ахборотлар тўплаш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш, қайта ишлаш ва ахборотлар алмашиниш қўникмаси;

– ўзини ўзи бошқариш ва шахсий ривожлантириш қўникмаси ва ҳ.к.

Демак, УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлиги таълим муассасаси фаолиятини илмий асосларда ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчалар даражаси, унинг ташкилотчилик, тадқиқотчилик, бошқарувчилик ва педагогик қобилияти ва қўникмаси, унинг ўзини ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга бўлган мойиллиги, интилишлари, шунингдек, замонавий талаблар асосида таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштириш имкониятлари орқали аниқланади, деб айтишимиз мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотларнинг мазмун-моҳияти УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлигини унинг фалсафий ва маънавий дунёқараши, психолого-педагогик ва ташкилий-технологик салоҳияти, яъни таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштириш имкониятлари салоҳияти сифатида кўриб чиқиши мумкиналигини тасдиқлайди.

Демак, УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлиги – бу таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштиришда инновацион ёндашувларга асосланадиган, касбий аҳамият касб этувчи шахсий сифатларга эга бўлган, юқори даражада ўзини ўзи назорат қила оладиган, бой фалсафий ва маънавий дунёқарашга, психолого-педагогик ва ташкилий-технологик салоҳиятга эга бўлган, шунингдек, шахслараро муносабатларда тарбиявий муносабатларни эътиборга оладиган ҳамда вазиятларга кўра турли хил муаммоларни ҳал этишда мавжуд ҳуқуқий-меъерий мезонларга асосланадиган, таълим жараёни субъектлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш, мувофиқлаштириш, фаолигини таъминлаш, таълим муассасаси илмий-методик таъминотини яхшилаш, инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш орқали УЎТМ фаолиятини такомиллаштириш йўналишида зарурый билим, кўнікма ва малакаларга эга бўлган мутахассис шахсини тавсифлайди.

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишлари, бошқарув фаолияти жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, уларга қўйилаётган талаблар ва касбий компетентлиги йўналишларида келтирилган маълумотларга асосан, уларда шаклланиши зарур бўлган билим, кўнікма ва малака ҳамда касбий аҳамият касб этувчи шахсий сифатларни инобатга олган ҳолда, УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлигини баҳолаш кўрсаткичлари сифатида қуидаги кўрсаткичларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Ватанни севиши, она юртига, ота-онасига ва ёру дўстларига садоқатли бўлиши ва эътиқод қилиши;
- мустақил республикамиз конститутцияси ва қонунлари, давлатимиз рамзлари, миллий урф-одатлар ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги;
- умумий ўрта таълим муассасаси ҳақидаги Низом ва умумий ўрта таълимга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий, меъерий-услubий ҳужжатларни мукаммал билиши ва ўз фаолиятида уларга амал қилиш малакасига эга бўлиши;
- умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришга оид меъерий ҳужжатлар, мактабни бошқариш тамойиллари, усуллари

асосида мактаб ички бошқарув тизимини ташкил қилишни билиши;

- умумий ўрта таълим муассасаси ишини илмий асосда режалаштириш усулларини билиши ва амалда қўллай олиш малакасига эга бўлиши;

- мактабни педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни жойжойига қўйиш, улар билан ишлаш, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда рағбатлантириш йўлларини билиши;

- дарсларни кузатиш ва таҳдил қилиш қоидаларини билиши;

- умумий ўрта таълим муассасаси фаолияти мониторингини одиб боришни билиши;

- бошқарувнинг демократик ва инсонпарварлик тамойилларини билиши ва уларга амал қилиш малакасига эга бўлиши;

- раҳбарга мос ва хос юксак маданий савия ва маънавий қиёфа усулларини билиши ва эгаллаши;

- янги педагогик технологиялар, инновацион технологиялар ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг мазмун-мундарижаси, шакллари ва бундай ишларни ташкил қилиш йўллари ва усуллари ҳақида маълумотга эга бўлиши;

- умумий ўрта таълимнинг муаммолари, бу соҳадаги изланишлар, янгилик ва ютуқлар ҳақида маълумотга эга бўлиши;

- умумий ўрта таълимни молиялаш, хисоб-китоб юритиш, жиҳозлаш, моддий таъминот масалаларини билиши;

- бюджетдан ташқари маблаг киритиш ва улардан фойдаланиш йўлларини билиши;

- шахслараро ва табиат билан бўлган муносабатларда фаол ва адолатли ҳамда меҳрибон бўлиши;

- ўзлигини англаш, ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилиш, ўзини ўзи бошқара олиш ва ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

- шахсий манбаатларини умуммиллий манбаатлар билан уйғун ҳолда кўра олиши;

- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этиши;

- мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида фаоллик кўрсатиши;

- миллий анъана, урф-одатлар ва қадрияларимизни асррабавайлаш, ёш авлод қалби ва онгига, она-юргта муҳаббат, истиқдолга садоқат туйгуларини чуқур сингдиришга интилиши;

- ўз фаолияти ва таълим муассасаси фаолияти самарадорлигини таҳдил қилиш ва объектив баҳолашга хизмат қилувчи рефлексив кўнималарга ҳамда тизимли фикрлаш, кенг дунёқараш ва рефлексив тафаккурга эга бўлиши;
- тадқиқотчилик ва таҳдилий фаолиятга, илғор тажрибаларни ўрганиш, педагогик маҳоратни ошириш, мустақил таълим олиш ва ўзини ўзи ривожлантиришга, инновацион жараёнларга ва янгиликларга мойиллик;
- олдиндан аниқланаётган вазиятларга нисбатан тўғри муносабатда бўлиш, ўзгалар муваффақиятини оқилона баҳолаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришда адолатлилик;
- ўз фаолияти ва ўзаро муносабатлар жараёнидаги хатти-ҳаракатларининг натижаларини олдиндан кўра олиши;
- бошқарув жараёнларида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларда субъектлар фаолигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштира олиши;
- бошқарув жараёнларида мавжуд сунъий тўсик ва қарама-қаршиликларни жамоадаги онгли интизомга салбий таъсир кўрсатишини олдини олиши;
- ҳамкорликда фаолият кўрсатиш ва вазиятларга кўра раҳбарлик услубларидан оқилона фойдаланиши;
- мулоқотга осон киришиши;
- ахборотлар тўплаш, таҳдил қилиш, объектив баҳолаш, қайта ишлаш ва ахборотлар алмашиниши даражаси;
- таълим муассасасини бошқаришда замонавий ёндашуввларни татбиқ этиши;
- бошқарув функциялари, восталари ва методларидан оқилона фойдаланиши;
- раҳбарлик услублари ва улардан оқилона фойдаланиши;
- ахборот технологиялари ва коммуникацион воситалардан фойдаланиши;
- мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ривожланишлар ҳамда уларнинг натижаларига қизиқиш ва эътиборли бўлиши;
- тинчлик, мустақиллик, эркинлик ва бағрикенгликтининг аҳамияти ва заруриятини тушуниб этиши;
- тарихни билиш ва вазиятларга кўра ўтмишни ва бугунги кундаги тараққиётни объектив баҳолаши;

Мазкур кўрсаткичларга асосан УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлигини баҳолаш мезонларини қўйидагича белгилаш мумкин (1-жадвал):

**УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлилигини баҳолаш  
мезонлари**

УЎТМ раҳбарлари касбий компетент- лидиги компонент- лари	Билим	Кўнигма ва малака
1	2	3
Бошқарувчилик	Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш	Педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини оширишга тизимли, блок-модули, шахсга йўналтирилган таълим каби ёндашувларни жорий этиш.
	Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш	Педагог ходимлар ва ўқувчилар ўртасида мустақиллик, унинг мазмун-моҳияти ва заруртийти йўналишлари бўйича давра судбатлари, ўқув семинарлари, конференциялар ва ёзма ишлар танловини ўтказиш, голибларни рағбатлантиришини ташкил этиш.
	Илмий-методик ишларни ташкил этиш	Илгор педагогик тажрибаларни оммалаштириш ва тарғиб қилиш; ўқув-методик бирлашма ва фан юшмалари фаолиятини ташкил этиши ва мувофиқлаштириш; фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадаларга ҳамда кўрик танловларга ўқувчиларни тайёрлаш жараёнларини мувофиқлаштириш.
Меъёрий	Педагогик жараён субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш	Педагогик жараён субъектларининг эҳтималларни ва имкониятларини ўрганиш асосида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш.
	Меъёрий хужжатлар билан ишланиш	Меъёрий хужжатларни ўрганиш, таҳдил қилиш ва уҳар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш; ўқувчиларга ДТС таалаблари асосида билим бериш ва уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари мониторингини олиб бориш.
	Таълим муассасаси фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш	Таълим муассасаси фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш; педагогик жараён субъектларининг фаолиятлари ва ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириши ҳамда мотивалаштириш; педагогик жараёнларни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, таҳдид қилиш ва объектив баҳолаш.

1-жадвалнинг давоми

1	2	3
	Ахборотлар тўплаш	Ахборотлар тўплаш методларини ташкил этувчи барча компонентлардан фойдаланиш асосида ахборотлар тўплаш, ўрганиш ва таҳдил қилиш, уларнинг янгилиги ва ишончлилигини объектив баҳолаш.
	Тарбиявий муносабатлар	Ўқитувчилар ва ўкувчилар ўртасидаги мавжуд муносабатларни ўрганиш, таҳдил қилиш ва мувофиқлаштириш; педагогик жараёнларда тарбиявий муносабатларнинг ўзига хос ҳусусиятларини инобатга олган ҳодда шахстга йўналтирилган тъсирни вужудга келтириш.
	Персонални бошқариш	Қадрлар танлаш, улардан фойдаланиш, персонал фаолиятига баҳо бериш, аттестацияядан ўтказиш, малакасини ошириш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, рагбатлантириш ва мукофотлаш, юқори лавозимларга тавсия қилиш, лавозимларга тайинлаш, ишдан бўшатиш.
	Бухгалтерлик ҳисоби асослари	Харажатлар сметасини тузиш, мөъёрий ҳужжатлар билан ишлаш, ҳисботлар тайёрлаш ва таҳдил қилиш.
	Иш юритиш	Ҳужжатлар билан ишлаш, фармийиш, бўйруқ, қарорлар тайёрлаш, юқори ташкилотлардан келган хатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш.
Тадқиқотчилик	Ўқитувчи ва ўкувчиларнинг тадқиқотчилик фаолияти	Ўқитувчи ва ўкувчиларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш; тажриба-синов ишларини ташкин этиш учун даастур ва кўлланмалар тайёрлаш, фаолият итижаларини таҳдил қилиш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш; ўкувчиларнинг ижодий гурухини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш.
	Педагогик жараёнларнинг са- марадорлигини ўрганиш	Педагогик жараёнларнинг ўзаро боғлиқларига ва алоқадорлигини аниқлаш; ўкувчиларни илм олишга, уларнинг фаолигини таъминлашта, мустақил ўргаништга, мустақил маъзумот олишга ва ўзини ўзи тарбиялашта йўналтирувчи мотивлар ва воситаларни аниқлаш.

## 1-жадвалнинг давоми

1	2	3
Ижодкорлик	Ижодий ёндашув	Белгиланган мақсадга эришиш учун энг қулагай бўлган воситаларни аниқлаш, самардорликни таъминловчи кўрсаткичлар ва усуларни танааш асосида ижодий ёндашувни жорий этиш.
	Инновацион жараёнларни ташкил этиш	Инновацион жараёнларга ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қизиқини ривожлантириш орқали уларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш, алоҳига инновацион лойиҳадарни бирлаштирувчи, ягона мақсадга қаратилган дастурлар доирасидаги ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш; инновацияларнинг ўзига хос хусусиятларидан оқиёна фойдаланиш.
	Ижодий таълимий мұддитни шакаллантириш	Ижодкорлик йўналишидаги тўғраклар фаолиятни йўлга қўйиш; ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларни ривожлантириш мақсадида турии йўналишларда кўрик-танловлар ташкил этиш.
Касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлар	Ватанпарварлик	Ватанини севиш, она юртига, отаонасига ва ёру дўстларига садоқатли бўлиш ва эътиқод қилиш; мустакил республикамиз конституцияси ва қонунали, давлатимиз рамзлари, миллий урф-одатлар ва умуминсоний қадрияларга содиклик; мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ривожланишлар хамда уларнинг натижаларига қизиқиш ва эътиборан бўлиш; тинчлик, мустақиллик, эркинлик ва бағрикентликнинг аҳамиятни ва зарурятини тушуниб этиш.
	Инсонпарварлик	Ўз имкониятларидан тўтири фойдаланиш; шахсларро ва табиат билан бўлган муносабатларда фаол ва адолатли ҳамда муҳаббатли бўлиш; ўзлагини англаш, ўзини ва бошқаларни хурмат қилиш, ўзини ўзи бошқара олиш ва ўз имкониятларини эркин намёён қилиш; одиндан аниқданаётган вазиятларга нисбатан тўтири муносабатда бўлиш, ўзгаар муваффақиятини оқиёна баҳолаш, моддий ва маънавий рагбатлантиришда адолатлилик.
	Фидойиллик	Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этиш; мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида фаоллик кўргатиш; табиатни муҳофаза қилиш, ота-боболарни қолдирган мадданий меросларни тўплаш ўрганиш, авайлаб сақланиш ва тарғиб қилиндида тинмай межнат қилиш ва изланиш.

## 1-жадвалнинг давоми

	Принципиаллик	Тарбиявий муносабатлар жараёнида инсоний омилларга асосланиш, эҳтиёсларга берилмаслик; ўзини жамоа лидери сифатида кўрсата олиш; вазиятларга мос равишда ходимларнинг хиссиётга берилиш ҳолатларини мувофиқлаштириш асосида уларда меҳрибонлик, қўллаб-куватлаш, меҳр-оқибат, ўзаро хурмат ва ишонч туйгуларини шакллантириш; миллатлараро тутувлик ва динлараро бағрикенглек каби тамойилларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчи-ёшларга тушунтиришда принципиаллик; педагог шахсига хос ҳатти-ҳаракатларни намоён этиш.
	Коммуникативлик	Мулоқот жараёнида инсоний омилларга асосланиш, мақтабни ривожлантириш мақсадини жамсанинг ҳар бир аъзосига тушунтириш, белгиланган вазифаларни бажаришга мотивлаштириш, жамоа аъзолари билан мунтазам алоқада бўлиш.
	Ўзини ўзи бошқариш	Раҳбарлик ролини бажариш, ўзини тута билиш, шунингдек, ўқитувчиларни ҳам барча муносабатларида педагог шахсига хос ҳатти-ҳаракатларни намоён этишига йўналтириш; таълим муассасаси жамоасининг фаолияти ривожланишига таъсир кўрсатувчи ўз ҳатти-ҳаракатларини таҳмил қилиш, англам. Мақсадга йўналтирилган инновацион фаолиятга, ўзалигини исботалашга, ўзини ўзи ривожлантиришга эхтиёж, шунингдек, бошқарув объекти барча бўйноларининг ўзаро таъсири натижасида мослашувчан таълимий мұхитни вужудга келтириш.

Мазкур жадвалда келтирилган маълумотлар УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлилиги бошқарувчилик, тадқиқотчилик, ижодкорлик ва касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларни ўз ичида олувчи ўзаро боғлиқ бўлган компонентлар мажмуудан иборат бўлиб, ўзига хос мураккаб кўп компонентли ташкилий тузилишга эга эканлигини ифодалайди.

УЎТМ раҳбарлари ўзлаштириши зарур бўлган билим ва кўнинмалар ҳамда уларни ташкил этувчи компонентлар УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлилигини баҳолаш мезонлари сифатида хизмат қилиши билан бир қаторда, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлиги даражасини аниқловчи омиллар сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

## **2-БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ**

### **2.1. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар**

УЎТМда педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш, мазкур жараён иштирокчиларига зарурый шароитларни яратиб бериш, педагог ходимларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш асосида инновацияларни амалиётга татбиқ этиш жараёнларида вужудга келаётган муаммоли вазиятларни бартараф этиш ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этишини назарда тутиб, у раҳбарлар ва педагогик жараён субъектларининг манфаатларини ифодалаган ҳолда уларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Шунинг учун мазкур жараёнда бошқарув жараёни субъектлари ҳисобланган раҳбарлар, мутахассислар ҳамда ижрочиларнинг ўзаро таъсир кўрсатиши, яъни ўзаро муносабатларнинг самимийлиги ва умумий манфаатларнинг ўйгуналашуви ўзига хос аҳамият касб этади.

Субъектларнинг ўзаро муносабатларини самимийлиги ва умумий манфаатларини ўйгуналашуви – бу нафақат педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш, мазкур жараён иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, балки педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш учун етарли шарт-шароитлар яратиш, илмий-методик таъминотини ривожлантириш, ўқувчи ёшларни ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлаш ҳамда турли республика ва ҳалқаро олимпиадалар, спорт мусобақаларида қатнашишлари учун зарурый шарт-шароитларни яратиш, яратилаётган қулай шарт-шароитлар, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан тенг манфаатдор бўлишдир.

УЎТМда ўзаро муносабатларнинг самимийлиги ва умумий манфаатларнинг ўйгуналашувини таъминлашда жамоавий бошқарув органлари ҳисобланадиган уюшмалар, яъни жамоавий-давлат

бошқаруви органи ҳисобланадиган мактаб кенгаши, педагогик ходимларнинг ўз-ўзини бошқариш органи ҳисобланадиган педагогик кенгаш, ўқув-методик ишлар бўйича мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқувчи, юқори малакали педагоглар ва раҳбар ходимлар уюшмаси ҳисобланган илмий-методик кенгаш, шунингдек, маъмурият ҳисобланадиган директор, унинг ўринбосарлари ва илмий бўлим мудири ҳамда жамоатчилик ташкилотлари ҳисобланадиган ўқувчилар кенгаши, касаба уюшма қўмитаси, методик бирлашма, ота-оналар қўмитасининг ҳамкорликдаги фаолияти ўзига хос аҳамиятга эга.

УЎТМда ўзаро муносабатларнинг самимилиги ва умумий манфаатларнинг уйғуналиги асосида умумий мақсадларга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш раҳбарларнинг асосий функционал вазифаси бўлиб, белгиланган мақсадларга эришишда педагогик ходимларнинг фаолияти, билим, қўнишка ва малакалар даражасини, қобилиятларини, шахсий хислатларини, шунингдек, таълим жараёнини илмий асосда ташкил этишнинг мураккаб томонларини фаол ўрганишлари бошқарув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

М.Шарифхўжаев ва Ё.Абдуллаевлар мураккаб жараён сифатида бошқарув самарадорлигини кўрсаткичлар тизими сифатида ифодалаб, мазкур тизимни икки йирик гурӯҳга бўлишади:

Биринчи гурӯҳ кўрсаткичлари сифатида бошқариш тизими фаолиятини тавсифловчи миқдорий кўрсаткичлар, яъни бошқарувдаги жонли меҳнатнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар, бошқарув учун сарфланган молиявий ресурсларнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳамда бошқариш учун сарфланадиган вақтни тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар келтирилади.

Иккинчи гурӯҳ кўрсаткичлари сифатида бошқарувнинг ижтимоий самарадорлигини тавсифловчи сифат кўрсаткичлари, яъни бошқаришнинг илмий-техник даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар; бошқарув аппарати ходимларининг малакаси даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар; қабул қилинган қарорлар самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар; бошқарув жараёнидаги ахборотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини ифодаловчи кўрсаткичлар; бошқариш маданиятини тавсифловчи кўрсаткичлар; коммуникациянинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар; бошқарув аппаратидаги меҳнат шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар келтирилади [97, 656-бет].

Айрим тадқиқотчилар, бошқарув самарадорлиги мажмуйи компонентлари сифатида таълим муассасаси фаолиятининг мақсадий

самарадорлигини, таъминот самарадорлигини, ижтимоий-психологик самарадорлик ва технологик самарадорликни келтиради [96].

Манбаларда бошқарув самарадорлигини эришиш мумкин бўлган меҳнат унумдорлиги билан эришилган натижалар ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи хусусиятлар деб търифланади. Бошқарув самарадорлигининг кўрсаткичи сифатида унумдорлик сарф-харажатлар билан кўлга киритилган натижалар ўртасидаги муносабатлар тарзида ифодаланади [90].

Айрим адабиётларда бошқарув самарадорлиги бошқарув фаолиятида мақсадга интилишда эришилган натижалар, яъни ўқувчи шахснинг кўп томонлама ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар ва хатти-ҳаракатларнинг натижалари деб келтирилади [28].

С.Т.Тургуновнинг фикрича, таълим муассасаларида бошқарув самарадорлиги ўқувчиларнинг фанлар бўйича олган билимлари, замонавий техника ва ахборот технологияларини ўрганиши, интеллектуал қобилиятларнинг шакланиш даражасини ҳамда ўқитувчи ва педагогик ходимларнинг билими, кўникума ва малакалари, шунингдек, педагогик маҳорати ва касбий қобилиятларнинг ривожланиш даражалари ўсишини белгилайди [87].

Мазкур келтирилган маълумотларнинг мазмун-моҳияти кўпчилик тадқиқотчилар бошқарув самарадорлиги йўналишида турли хил фикр ва турлича тушунчаларга эга эканлигини кўрсатади. Яъни тадқиқотчилар томонидан таълим муассасаси бошқарувида самарадорлик – бошқарув самарадорлиги сифатида белгиланиб, у меҳнатни сарфланган молиявий ресурсларни ва сарфланадиган вақтни тежалиши, шунингдек, бошқарув аппарати ходимларнинг малакаси, қабул қилинган қарорлар самарадорлиги, бошқарув жараёнидаги ахборотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги, бошқариш маданияти, коммуникациянинг самарадорлиги, меҳнат шароити ёки эришиш мумкин бўлган меҳнат унумдорлиги билан эришилган натижалар ўртасидаги муносабатлар ҳамда мақсадга интилишда эришилган натижалар каби турлича ифодаланади.

Бизнинг фикримизча, таълим муассасасида бошқарув самарадорлиги ва таълим муассасаси фаолияти самарадорлиги тушунчалари таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ифодалайди. Фикримизнинг исботи сифатида П.И.Третьяковнинг мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини таълим муассасасидаги педагогик жараёнлар динамикаси ёки раҳбарнинг ўзини-ўзи бошқариш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш ҳақидаги фикрларини келтириш мумкин. Муал-

лиф томонидан мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти самара-дорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари тизими ишлаб чиқилган [75].

Таълим муассасаларини бошқаришни илмий асосда ташкил этишда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳамда ижобий ечимини топиш зарур бўлган айрим муаммоларни инобатга олган ҳолда С.Т.Турғунов таълим муассасалари раҳбарлари бошқарув фаолиятининг самараадорлиги – бу бошқарув қонуниятлари, усул ва методлари ҳамда инновацион технологияларга асосланган бошқарув фаолияти асосида ташкил этилган таълим-тарбия жараёнининг натижавийлиги, деб ҳисоблади [87, 139-бет].

Мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самараадорлигига таъсир этувчи омиллар мактаб бошқарувини ички ва ташқи ўзгаришларга мослаштириш, раҳбарлик услубларидан оқилона фойдаланиш, таълим менежменти тамоийларини ўзлаштириш ва қўллаш, бошқарувни мактабнинг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтириш асосида белгилашни кўрсатади [87, 141-бет].

Муаллифнинг фикрича, бошқарув самараадорлигига эришиш учун таълим муассасаси раҳбарлари муассасанинг асосий мақсадлари йўналишида стратегик режалаштириш сирларини, бошқарув усуалари, методлари ҳамда тамоийлари, инновацион технологияларни билиши ва булар асосида таълим муассасаларини бошқариш жараёнига, инновацион тузилишга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида ёндашиш; шахсларро муносабатлар ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнларини илмий асосланган тамоийлар асосида шакллантириш; таълим муассасасининг инновацион фаолияти жараёнида субъектларнинг касбий маҳорати ва ўзи ҳақидағи фикрларига илмий ёндашиш; таълим муассасасини бошқариш жараёнида инновацион ёндашувларнинг натижалари бўйича қайта алоқани йўлга кўйиш зарур [87].

С.Т.Турғунов УЎТМ раҳбари бошқарув фаолияти самараадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари сифатида: мактабни ривожлантиришга жамоа аъзоларини мотивлаштириш; ўқувчилар томонидан эгалланётган билим ва кўникмалар даражасини ДТС ва меҳнат бозори талабларига мос келиши; моддий-техник таъминот ва улардан фойдаланиш самараадорлиги; кадрлар салоҳияти; инновацион фаолият; мактаб обрўси; мактабдаги ижтимоий-психологик иқдим; бошқарув алгоритмининг мактаб олдига қўйилган мақсадларга мослиги даражасини келтиради [87, 150-бет].

Келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки,

УЎТМ раҳбари таълим муассасасида педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиши ва уни бошқариш жараёнларини мувофиқлаштириши ҳамда унинг самарадорлигини таъминлаши учун жамоа фикрини ўрганиши, раҳбарлик услубларидан оқилона фойдаланиши, ҳамкорлиқдаги бошқарувни ташкил этиши зарур бўлиб, ўз навбатида раҳбарнинг ўз устида ишлаши, бошқарувчилик қобилиятларини мустақил шакллантириб ва ривожлантириб бориши талаб этилади.

Демак, УЎТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлиги унинг бошқарувчилик қобилияти, билими, кўнникма ва малакаларига боғлиқ бўлиб, бўлар раҳбар касбий компетентлилигининг асосий компонентлари ҳисобланади.

УЎТМда педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва уни самарали бошқариш барча мактаб раҳбарларидан мукаммал шаклланган ва юқори даражада ривожланган педагогик қобилиятни талаб этади. Чунки, УЎТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлиги таълим муассасаси жамоаси аъзоларининг фаолияти билан боғлиқ ҳолда педагогик жараёнлар субъектлари (ўқитувчи ва ўқувчилар) билан сұхбат, тушунтириш ва кўрсатмалар бериш, мотивлаштириш асосида уларнинг фаолигини ошириш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда муносабатда бўлиш ҳамда инновацион фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш жараёнларида ўз ифодасини топади.

Шундай экан, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлиги уларнинг ташкилотчилик, ташаббускорлик, ижодий, коммуникатив ва бошқа кўнникма ва малакалари қатори педагогик қобилиятларига ҳам бевосита боғлиқ ҳисобланади.

УЎТМ раҳбари бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланган таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва уни такомиллаштириш негизи бошқариладиган обьект ва бошқарувчи субъект тизимларидан ташкил топади. Бу тизим ўқувчилар, ўқитувчилар ва раҳбарлар (субъектлар)нинг ўзаро муносабатлари ҳамда педагогик жараён (объект)даги фаолигининг боғлиқлиги ва алоқадорлигидан ташкил топади.

Шундай қилиб, УЎТМ раҳбари бошқарув фаолияти жамоа аъзолари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, педагогик жараёнлар субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришдан иборат бўлиб, улар ўз навбатида таълим жараёнини ва дидактик воситаларни бошқарадилар. Демак, УЎТМ раҳбари бошқарув фаолияти самарадорлиги таълим муассасасидаги ин-

тизом, педагогларни меҳнат унумдорлиги, таълим жараёни са-марадорлиги ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари да-ражаси орқали ифодаланади ва бу, ўз навбатида, раҳбарнинг бошқарувчилик қобилиятига боғлиқ бўлиб, таълим жараёни ишти-рокчилари фаолиятида чорасизлик ва мажбурийлик ўрнини ижо-дий ёндашувлар эгаллашига хизмат қиласди.

Таълим муассасасидаги интизом, педагогларнинг меҳнат унумдорлиги, таълим жараёни самарадорлиги ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари даражасининг замонавий талабларга жавоб бериши, таълим муассасаси фаолиятининг муваффақиятли ривожланиши учун педагог ҳодимлар ўртасидаги иш тақсимотини тўгри ўйла қўйиш, ўз вақтида уларни қайта тайёрлаш ва малака-сини ошириб бориш, уларнинг фаолиятини объектив баҳолаш ва рағбатлантириб бориш, таълим жараёнини илмий асосдан ташкил этишга имкониятлар яратиш ҳамда бошқарув жараёнига иннова-цион ёндашувлар технологияларини лойиҳалаштириш ва жорий этиш УЎТМ раҳбарининг билими, педагогик ва касбий маҳорати, шунингдек унинг бошқарув қобилиятига боғлиқдир.

Интеллектуал фаоллик, сабрлилик ва чидамлилик, ижодкорлик ва яратувчанлик, ташаббускорлик ва ташкилотчилик, нотиқлик ва талабчанлик, назоратга мойиллик ва кузатувчанлик, ишонтира олиш ва хотираада сақлаб қолиш, тарбиявий муносабатларда фаол-лик ва ўрнак бўлиш ҳамда педагогик таъсир кўрсатиш ва лидерлик хусусиятлари шаклланганлигини, юқори даражада ривожланганли-гини УЎТМ раҳбарининг педагогик қобилияти компонентлари деб айтишимиз мумкин.

Демак, бошқарув жараёнида раҳбар учун энг зарур бўлган хусусиятлардан бири – педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш ва мазкур жараён иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ўйналишидаги нотиқлик ва талабчанлик, на-зоратга мойиллик ва кузатувчанлик, ишонтира олиш ва хотираада сақлаб қолиш, тарбиявий муносабатларда фаоллик ва ўрнак бўлиш кабиларни унинг педагогик қобилияти деб ҳисоблаб, педагогик қобилиятнинг ташкилий тизим сифатида унинг компонентларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

УЎТМ раҳбарининг жамоа фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш, турли вазиятларда кўзланган мақсаднинг мазмун ва моҳиятини, унга эришиш йўлларини ва маз-кур йўналишдаги вазифаларни барча ижрочиларга аниқ ва равшан, тушунарли тарзда етказиш, уларда мазкур вазифаларни бажаришга масъулият ҳиссини шакллантириш ва мотивлаштириш, шунингдек,

мақсадға эришишда ҳамкорлықдаги фаолиятни ташкил этиш ва онгли интизомни вужудға келтириш йұналишидаги имконияти, яғни тасаввури, түшунчалари, билим, күникма ва малакаси, тажрибаси ва фаолигини унинг дидактик қобиляйты компонентлари сифати да келтириш мүмкін.

Касбий ақамият касб этувчи шахсий сифатлар сифатида дидактик қобиляйтнинг мазкур компонентлари шакланған раҳбарларда турли вазиятларда, яғни муаммоли вазиятларда ҳам вазияттаң ёндашувни самарали татбиқ этиш, мақсадди-мотивлаштириш функциялардан ўз вазифасига күра түғри фойдаланиш, стереотипларни, яғни жамоада мавжуд бўлган сунъий тўсиқ ва муаммоларни ҳал этишда раҳбарлик услубларидан оқилона фойдаланиш, турли йұналишларда қарорлар қабул қилишда жамоа фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш кўникмалари шакланған бўлади. Булар асосида жамоа аъзоларининг психологияк хусусиятларига мос доимий йұналтириш ётади ва бундай қобиляйт эгаси бўлган раҳбар ўз ходимларининг билими, күникма ва малакаси, дунёқарашини, қизиқишиларини, бошқарув жараёнида ўзаро бево-сига таъсирлар мавжудлигини тасаввур қила олади.

УЎТМ раҳбарининг жамоа аъзолари, педагогик ходимлар ва ўқувчиларнинг ички дунёсига кира билиши, психологияк кузатувчанлик, бўйсунувчиларнинг вақтингачалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билиши, бўйсунувчиларнинг турли вазиятлардаги хатти-ҳаракатлари, яғни турли хил топшириқларни бажариш жараёнида ёрқин ифодаланадиган, уларнинг турли фаолияти жараёнида ташқи ҳамда ички дунёсида юзага келадиган ўзарышларни кўра билиши унинг перцептив қобиляйтнинг риволанғанлик даражасини белгилайди.

Онгли интизом шакланған таълим муассасасида раҳбарни ходимлар тингламай, балки эшитиши, тезда ва осон тушуниши зарур. Шундай экан, бериллаётган топшириқни ходимлар томонидан ўз вақтида кўнгилдагидейек бажарилиши учун уларга топшириқнинг мазмун-моҳияти ва ақамиятини, шунингдек, топшириқни бажариш жараёнидаги функционал вазифаларини ижрочиларга тўлиқ ва асосли тарзда тушунтириш жараёнида раҳбарнинг ўз фикрини ёки топшириқнинг мазмун ва моҳиятини бўйсунувчиларга тушунарли тарзда етказа олиши – бу унинг нотиқлик қобиляйти бўлиб, бунда раҳбарнинг нутқи жонли, образли, аниқ-равишан, интонацияли ва ифодали, эмоцияга бой, дона-дона ҳамда стилистик ва грамматик жиҳатдан бехато бўлиши лозим.

УЎТМ раҳбарининг турли вазиятлар (суҳбат, йигилиш, маслаҳат, насиҳат жараёнлари)да ўз фикрини, ҳис-туйғуларини

нүтк ёрдамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериши ҳамда педагогик жараён субъектларининг фаолиятини маълум йўналишда ташкил қилиш ёки керакли йўналишда ўзгартиришда билвосита таъсир кўрсата олиши нутқ қобилиятининг ривожланганлик даражасини ифодалайди.

Таълим муассасаси жамоасини уюштира билиш, яъни жамоада аҳиллик, бирдамлик ва ҳамкорликни вужудга келтириш, жамоа аъзоларини жисплаштира олиш ва ўзининг бошқарув фаолиятини тўғри режалаштириши ва тўғри ташкиллаштира олиши, яъни буйруқ бериш, топшириқ ижросини назорат қилиш ва бажарилишини таъминлаш, ходимлар фаолиятини баҳолаш ҳамда турили хил қарорлар қабул қилиши ва уни назорат қила олиши УЎТМ раҳбарининг ташкилотчилик қобилияти ифодасидир.

УЎТМ раҳбарининг жамоа аъзолари билан ижобий мулоқотда бўлиши, бошқарув мулоқотини тўғриташкил этиши, бўйсунувчилар кўнглига тўғри йўл топа билиши, улар билан педагогик нуқтаи зардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлаши, погонавийликни минимал даражада бўлиши ҳамда унда педагогик тактнинг мавжудлиги коммуникатив қобилияти даражасини ифодалайди.

Педагогик тракт раҳбарнинг вазиятга кўра ходимларни ёки педагогик жараён субъектларини рағбатлантириш, жазолаш, панднасиҳат қилиш ҳолатларини ва унинг натижасини олдиндан ҳис эта билиш қобилияти ҳисобланади. Педагогик трактга эга бўлган раҳбар ходимларга, педагогик жараён субъектларига ёки маълум ҳодиса ёки воқеаликнинг иштироқчилари (сабабчилари)га эътибор бериб зийраклик билан қарайди, уларнинг индивидуал психологияк хусусиятлари билан ҳисоблашади, энг муҳими – бўйсунувчиларга таъсир этишнинг энг қулай усусларидан оқилона фойдаланишини билади, тарбиявий таъсирни кўллашда мақсадга мувофиқ педагогик чораларга эътибор беради, аниқ функционал вазифаларни ҳисобга олади, ходим шахсининг психологик хусусиятлари ва унинг имкониятларини ҳамда мазкур педагогик ҳолатларнинг натижавийлигини олдиндан ҳисобга олиб фаолият юритади.

Аксарият ҳолатларда бошқарув жараёнида муаммолар вужудга келишига, асосан, педагогик трактнинг йўқлиги сабаб бўлади. Яъни УЎТМ раҳбари томонидан педагогик ходимларга ортиқча талабларнинг қўйилиши, изчилликка амал қиласлик ва субъектларнинг шахсий имкониятлари даражасини инобатга олинмаслиги, шунингдек, бир шахсга бирданнага бир неча вазифаларни бир вақтнинг ўзида юклатилиши ҳамда унга тўғри му-

носабатда бўлмаслик ноқулай вазиятлар вужудга келишига сабаб бўлади.

Раҳбарлик қобилияти ва унинг хусусиятлари йўналишида Президентимиз И.А.Каримовнинг шундай ҳикматли сўзлари бор: “Раҳбарлик қобилияти бўлган, керак бўлса, қаттиқўалик хусусиятларига эга, инсофай, диёнатли одамларнинггина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳаққи бор. Элим, юртим деб ёниб яшаш керак, деган шиор энг аввало ана шу раҳбарларнинг ҳаётий маслаги бўлмоғи лозим” [2, 38-бет]. И.А. Каримовнинг ушбу ҳикматли сўзларининг мазмун-моҳиятига асосланиб айтиш мумкинки, барча УЎТМ раҳбарларида раҳбарлик қобилиятлари билан бир қаторда инсоф, диёнат ҳамда фидоййлик каби умуминсоний хислатлар ҳам шаклланган бўлиши зарур. Чунки бошқарув қобилиятларини шаклланиши, энг аввало, шахсий хислатлар ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, улар шахслараро муносабатларда ривожланиши тизимини ташкил этади.

Шахснинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ва бошқа хислатлари туғма, баъзилари кейинчалик шаклланган бўлиб, уларнинг такомиллашиш жараёни ривожланиши ифодалайди. Демак, ривожланиши шахснинг меҳнат фаолияти, ўйин фаолияти ёки ўқув фаолияти жараёнида амалга ошади.

Шундай экан, инсонга хос буюклик, салоҳиятлилик, жиҳдийлик, босиқдик, мослашувчанлик, маданиятлилик, одоблилик, табиийлик, одиллик, оддийлик каби умуминсоний хислатлар; одамийлик, қаноатлилик, жонкуярлик, меҳрибонлик, олижаноблик, олиҳимматлилик, байналминналлик, содиқлик, кечиримлилик, андишалик, шахсий манфаатдан ижтимоий манфаатдорликни юқори қўя олишлик каби ахлоқий хислатлар; тиришқоқлик, масъулиятлилик, ҳалоллик, чақонлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик, чидамлилик, сабр-тоқатлилик, бардошлилик, тежамкорлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, мардлик, зийраклик, ижодкорлик, танқидийлик, диққатлилик, билимдонлик, савиялилик, ҳозиржавоблилик каби раҳбарларга хос касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий хислатлар УЎТМ раҳбарларида шаклланган бўлиши ўзига хос аҳамият касб этади.

Раҳбарлик қобилиятлари уларнинг тушунчалари, билими, кўникма ва малакаларида кўринмайди, балки улардан фойдаланиш жараёnlарида намоён бўлади. Шундай экан, раҳбарлик қобилиятининг шаклланганлик ва ривожланганлик даражаси уларнинг тажрибасига, яъни касбий тажрибасига боғлиқ ҳолда касбий маҳдорига асосланади.


Илғор тажрибаларни ўзлаштириш ва уларни бошқарув амалиётида қўллашни таъминлаб берувчи кўникмалар тизими касбий

тажриба бўлиб, бу раҳбарнинг ўз фаолияти давомида фан-техника янгиликларига, илгор тажрибаларга таяниши ҳамда мазкур тажрибалар асосида ўзининг кўникма ва малакаларини ривожлантириб бориши асосида касбий маҳоратнинг вужудга келишиди.

УЎТМ жамоаси аъзолари, педагогик ходимлар ва таълим жараёни иштирокчиларини тушуниш, уларнинг ички кечинмалари ни ҳис қилиш, ўзини ўзи бошқара олиши, ҳиссиётларга берилмаслик, вазиятларга кўра фаолиятни мувофиқлаштира олиш касбий маҳоратнинг асосий компонентларидан бўлиб, улар раҳбарлик қобилиятини ривожлантиришга хизмат қиласди.

УЎТМ фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда стратегия, стратегик мақсадлар ва вазифаларни тўғри белгилаш, қарорлар қабул қилиш, муассасанинг умумий фаолиятини олдиндан лойиҳалаштириш, инновацион фаолиятни ташкил этиш, бошқарув жараёнига замонавий ёндашувларни, лойиҳалаш технологияларини жорий этиш ҳамда бошқарув усуслари, методлари ва тамойилларидан самарали фойдаланиш касбий маҳоратни ифодалайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқарув шаклларини ривожлантириш ўйналишларида таълим, фан, техника ва технологияларнинг жаҳон миқёсидаги ютуқларини, янгиликларни, шунингдек бошқарув технологияларини амалиётга татбиқ этиш УЎТМ раҳбарининг касбий қобилиятига боғлиқ бўлиб, ўз навбатида унинг бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатади. Шундай экан, УЎТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида раҳбар учун энг зарур ҳисобланган маҳорат, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлар ва қобилияtlарни келтириш мумкин (2-расм).



2-расм. УЎТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар

УЎТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида келтирилган раҳбарларга хос маҳорат, хислатлар ва қобилияtlарнинг юқорида келтирилган мазмун-моҳияти ва аҳамиятига эътибор қаратадиган бўлсақ, улар УЎТМ раҳбарининг педагогика, педагогик технология, психология, педагогик маҳорат ва бошқарув йўналишидаги тушунчалари, билими, кўникма ва малакалари даражасига боғлиқ ҳолда, унинг касбий компетенталиги даражасини белгилайди.

УЎТМда педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш, мазкур жараён иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, жамоада онгли интизом ва қулай таълимий муҳитни шакллантириш, таълим муассасаси илмий салоҳиятини кўтариш, моддий-техник ва илмий-методик таъминотини яхшилаш, илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш орқали инновацион жараёнларни ташкил этиш ва таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштиришда фаоллик кўрсатиш ҳамда ҳам раҳбар, ҳам педагог, ҳам ижрочи сифатида бошқаларга ўrnak бўлиш УЎТМ раҳбарининг педагогик маҳорати, касбий тажрибаси, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлари ва қобилияtlарига боғлиқ бўлиб, булар бошқарувда компетентни бўлишнинг асоси ҳисобланади.

Демак, УЎТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг зарурияти унинг педагогика, педагогик технология, психология, педагогик маҳорат ва бошқарув йўналишидаги тушунчалари, билими, кўникма ва малакалари ҳамда касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлари ва қобилияtlарига, шунингдек, касбий тажрибасига боғлиқ ҳолда касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари ва унинг мазмун-моҳиятини тадқиқ этишини тақозо этади.

## **2.2. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг касбий компетенталигини ривожлантириш жараёнлари ва мазмуни**

Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари шахсига нисбатан ўзига хос талаблар мавжуд бўлиб, энг асосийларидан бири инновацион компетентлиги, яъни инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ функционал вазифаларни бажариш, мақсадни ва унга эришиш йўналишидаги вазифаларни жамоа аъзолари билан биргаликда, коллегиал белгилаш йўналишида

зарурий кўникмаларга эга бўлиш заруриятидир. Чунки мазкур йўналишдаги кўникмалар белгиланган мақсадга эришишда таълим муассасасини ривожлантириш учун хизмат қиласиган инновацион гояларни амалга ошириш ҳамда жамоа аъзоларининг ҳамкорликдаги инновацион фаолиятини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлилигининг ривожланиши бир томондан, амалий тажрибалари, кўникма ва малакалари шаклланиб бориши жараёнида амалга ошса, иккинчи томондан, уларнинг функционал вазифаларини бажариши билан вужудга келаётган вазиятларга ҳамда уларнинг шахсий хусусиятлари ва касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларига боғлиқ бўлади. Чунки умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарининг бошқарув фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлган кенг қамровли тушунча ҳисобланиб, раҳбарларда педагогика ва бошқарув йўналишида замонавий билим, етарли кўникма ва малака, касбий тажриба ва маҳорат, шунингдек, бошқарув методлари ва раҳбарлик услубларидан оқилона фойдаланиш қобилиятларини шакллантиришни талаб этади ва мазкур жараёнда уларда касбий компетентлилик шаклланиб ва ривожланиб боради.

Демак, УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлилигининг ривожланиши жараёни мураккаб ташкилий тузилишга эга бўлиб, педагогика, психология, педагогик технология, педагогик маҳорат ва бошқарув назариялари бўйича тушунчаларни шакллантириш, ахборот-таҳдид, мақсадли-мотивлаштириш, ташкилий-ижрочилик, ташкилий-маъмурӣ, назорат-ташхис, тартибга солиш – мувофиқлаштириш, тадқиқотчилик ва инновацион бошқарув йўналишларида кўникма ва малакалар, касбий тажрибани шакллантириш ҳамда ўзини ўзи ривожлантириш жараёнларини қамраб олади.

Тадқиқотларда [42;44] таълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантиришнинг асосий механизми сифатида ўзини ўзи англаш, ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини шакллантириш, бошқарув фаолиятида мақсадни олдиндан аниқлаш, мавжуд ҳолатни аниқлаш, ҳаракатларни дастурлаштириш, вақтингчалик ўзгаришларга мослаштириш ва қайта ташкил этиш жараёнлари келтирилади.

Мазкур тадқиқотларда келтирилган маълумотлар таълим муассасаси раҳбарлари касбий компетентлилигини ривожлантиришнинг мақсади бошқарилувчи объектнинг кўп қирралилигини олдиндан кўра олиш, мавжуд зиддиятлар ва

ихтилофларни қила олиш, олдиндан кўриш – режалаштиришнинг аниқлигини таъминлашга қаратилганлигини кўрсатади. Бунда олдиндан англаш ва фикрлаш қобилиятларини юқори даражада ривожлантиришга қаратилган жараён таълим муассасаси раҳбарлари касбий компетентлигини ривожлантириш жараёnlари сифатида қаралади.

Турли тадқиқот ишларида келтирилган, таълим муассасаси раҳбарлари касбий компетентлиги ривожланишининг умумий омиллари тўғрисидаги маълумотлар раҳбар шахсини шаклланиши ва касбий ривожланишининг асосий йўналишларини кўриб чиқишини тақозо этади. Бу ривожланиш бошқарув йўналишида билим, кўникма ва малакаларга асосланувчи, шунингдек, шахсларро муносабатларда фаоликни таъминловчи раҳбарнинг шахсий хатти-ҳаракатларини ифодалайди.

Раҳбарнинг бошқарув фаолияти жараёнида унинг эҳтиёжларига мос мотивлаштириш жараёни вужудга келади ва бу эҳтиёжий-мотивацион жараёни раҳбар шахсининг камол топиши ва касбий ривожланишининг ядроси, ўзаги ҳисобланади [44].

Адабиётларда келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, таълим муассасаси раҳбарининг ўз бошқарув фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиш йўналишидаги эҳтиёжлари, яъни муваффақиятга эришиш, ваколат, ўз фаолиятининг ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини ҳис этиш, умуммиллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда қатнашиш, ўз шахсининг муҳим аҳамият касб этишини, ҳаётда ўз ўрнига эга эканлигини исботлаш қаби йўналишлардаги эҳтиёжларининг вужудга келиши ва уни қондириш жараёнида раҳбарнинг касбий компетентлигини ривожланиши амалга ошади.

У.И.Иноятов томонидан таълим муассасаси раҳбарларининг билими, кўникма ва малакалари даражасини баҳолаш мезонини ишлаб чиқища баҳолашнинг алоҳида кўрсаткичларига эътибор қаратилган бўлиб, қўйидагиларни касбий компетентлиликнинг асосий кўрсаткичлари сифатида келтириш мумкин:

– раҳбарнинг педагогика соҳасидаги билими, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, таълим-тарбия жараёни иштирокчилари ҳамда ходимларнинг педагогик ва психолого-хусусиятлари, мутахассислиги ҳамда касбига нисбатан қўйилаётган ижтимоий меъёр ва талабларни билиши;

– бўлажак мутахассис квалификацияси ҳамда таълим муассасасини бошқаришнинг назарий асослари йўналишида тушунчаларга эга бўлиши;

– мавжуд ягона педагогик талаблар асосида, педагогик ходимлар ҳамда ўқувчиларнинг имкониятларини ўрганиб, уларни ҳисобга олган ҳолда, мактаб жамоасини шакллантириши, фаолиятини мувофиқлаштириши, жамоа олдида турган вазифаларни бажаришда мавжуд муаммоларни ва масалаларни ҳал этиш йўлларини билиши;

– жамоатчилик ташкилотларини тузиш ва уларни мактабни бошқариш ишларига жалб эта олиши;

– ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш асосида педагогик ходимлар билан таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олиши;

– танқид ва ўз-ўзини танқид заруриятини ҳисобга олган ҳолда уларнинг хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириши, тартиб-интизомни ва уюшқоқликни сақлаши;

– бошқарув фаолиятининг мақсад ва вазифаларини белгилаши;

– мактаб жамоаси фаолияти ҳамда педагогик ходимларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш йўналишларидағи ижтимоий-психологик кўнкимга ва малакалар [32, 116–117-бетлар].

У.И.Иноятовнинг фикрларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, таълим муассасасини бошқаришда инновацион ёндашувларни татбиқ эта оладиган, замонавий ёндашувларнинг ўзига хос хусусиятларига асосланадиган, зарур педагогик ва психологоик сифатларга эга бўлган, юқори даражада ўзини ўзи назорат қила оладиган, шунингдек, шахслараро муносабатларда ҳамда турли хил муаммоларни ҳал этишда мавжуд ҳуқукий-меъёрий мезонларга асосланадиган раҳбарлар компетентлии раҳбар ҳисобланади.

Илмий тадқиқотларда компетентлилик фалсафий дунёқараш, психологоик-педагогик ва ташкилий-технologик салоҳият, яъни мутахассиснинг касбий имкониятлари салоҳияти сифатида кўриб чиқиласди.

В.П.Топоровскийнинг фикрича, раҳбарнинг компетентлилиги унинг бошқарув йўналишидаги тушунчалари даражаси, индивидуал қобилиятлари ва малакаси, ўзини ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга бўлган мойиллиги, интилишлари, шунингдек, замонавий талаблар асосида таълим муассасасини бошқариш имкониятлари орқали аниқланади [74, 80-бет].

УУТМ раҳбарининг бошқарув йўналишидаги тушунчаларини шакллантириш ва ривожлантириш, индивидуал қобилиятлари ва малакасини ошириш ва ривожлантириш, мустақил таълим олиш асосида ўзини ўзи ривожлантириши, янгиликка

интилишлари, шунингдек, замонавий тадаблар асосида таълим муассасасини бошқариш тажрибаси ошиб бориши унинг касбий компетентлилигини ривожланиш жараёнлари ҳисобланади.

Демак, УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ижодий жараён ҳисобланади, чунки раҳбарнинг ижодий фаолияти инновацион фаолиятнинг мотивацион структурасини ифодалайди ва касбий компетентлиликнинг шаклланиши ва ривожланиши тизимида амалий англаш жараёнининг динамикасини белгилайди. Мазкур жараёнда креативлик тизимини ташкил этувчи элемент – ижодий фаолият компоненти ҳисобланади.

Агар УЎТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлиги таълим-тарбия жараёнлари натижавийлигини ифодалашини инобатга олган ҳолда ёндашадиган бўласк, унинг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларидағи фаолияти таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва зарурий шарт-шароитларни яратиб беришга йўналтирилган бўлиб, қўлланилаётган таълим технологияларини ҳамда таълим мазмунини ва ўқитиш методларини мунтазам равиша таҳдил қилиш ва баҳолаб боришини ўз ичига олади деб айтиш мумкин.

УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларининг ташкил этувчи навбатдаги компоненти унинг таҳдилий фаолият жараёни бўлиб, унинг ўзи томонидан бажарилиши зарур бўлган турии масалаларни ва вазиятни таҳдил қила олиши, педагогик жараён субъектларининг ижодий ёндашувларини қўллаб-кувватлаши, уларнинг янгилик киритиш йўналишидаги илмий гояларини рағбатлантириши ва ривожлантириши, вазиятли ёндашув ҳамда амалга оширилган таҳдиллар асосида субъектлар ва уларнинг фаолияти ҳақидаги ўзининг тасаввурини янгилаб бориши зарур ҳисобланади.

УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларидан бири – унинг таҳдилий фаолияти жараёни таълим-тарбия жараёнини кузатиб бориши, таълим жараёни ва унинг субъектлари ҳақида асосланган ва ишончли ахборотлар тўплаш, бажарилган ишларнинг натижаларини таҳдил қилиш, олинган ахборотларга асосан уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ўзига хос аҳамият касб этади.

Юқорида келтирилган маълумотлар УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнлари УЎТМда инновацион жараёнларни ташкил этиш, таълим-тарбия жараёни

субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни, муносабатларни ўзгартыриш, ўқувчилар ва педагогик ходимларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнларидан иборат бўлиб, бу жараёнда раҳбарнинг билимига билим, тушунчасига тушунча қўшилиши, шахсий сифатлари ва эҳтиросли хислатларининг ўзгариши, билим, қўникма ва малакаларини янгиланиши вужудга келади.

Демак, УУТМ раҳбарининг касбий компетентлилигининг ривожланишини кўриб чиқиша унинг шахс сифатида ривожланишини ҳам ҳисобга олиш зарур. Чунки касбий компетентлилиги унинг психологик хусусиятлари, ҳиссий-иродавий сифатлари, ижодий фикрлари, интеллектуал қобилияти билан узвий боғлиқдир. Булар раҳбарнинг касбий аҳамият касб этувчи шахсий сифатлари бўлиб, раҳбарнинг касбий компетентлилигининг ривожланиш тезлиги, сифати ва самарадорлигини белгилайди. Коидага кўра, булар таълим олиш ҳамда тушунчалар асосида шахсий тажриба орттириш жараёнларида шаклланади.

Шундай экан, таълим муассасалари раҳбарлари мунтазам равишда ўзининг касбий билими, қўникма ва малакасини ривожлантириб бориши, бошқарув йўналишидаги тушунчаларини кенгайтириши, фан ва техника ютуқларини, замонавий педагогик ва янги ахборотлар технологияларини ўзлаштириб бориши учун таълим муассасаларида зарурий шарт-шароитларни яратиш зарур. Булар, ўз навбатида таълим муассасаси раҳбарларининг билим, қўникма ва малакаларини узлуксиз ривожлантириб боришга қаратилган педагогик жараёнларни самарали ташкил этишни назарда тутади.

УУТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ўзига хос хусусиятларга эга бўлган педагогик тизим сифатида, яъни ижтимоий тажрибаларни узатиш, раҳбарларда янги тушунча ва қўникмаларни шакллантириш, уларни таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнига тайёрлаш тизими сифатида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

УУТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнлари нафақат уларни касбий билим ва қўникмаларни ўзлаштирган мутахассис сифатида тайёрлашга, балки турли ёщадаги инсонларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ўзини ўзи касбий ривожлантириши учун зарурий шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган бўлиши зарур.

УУТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини

ривожлантириш жараёнлари тизими – бу нафақат таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга уларнинг тайёргарлигини ривожлантириш, балки уларнинг ўзини ўзи ривожлантириш ва профессионал компетентлилик йўналишидаги эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган узлуксиз жараён, яъни қўшимча таълим тизимида раҳбарларнинг шахсий аҳамият касб этувчи ўзаро таъсир жараёнлари тизими сифатида ташкил этилиши зарур.

УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантиришга қаратилган тизим раҳбарнинг бошқарув фаолиятини барча босқичларида ўз касбий тажрибаларини англаш, таҳдил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, ўзини ўзи шахсий ривожлантириш эҳтиёжларини фаоллаштириш ва қўллаб-куvvatлашга асосланиши зарур. Мазкур жараёнда раҳбар шахсининг маънавий бойиши ҳамда ижодий салоҳияти ривожланниши учун имконият вужудга келади.

УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнлари раҳбарлар учун нафақат назарий, балки юксак даражада яшаш ва ҳаётий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш қобилиятларини шакллантирувчи таълимий муҳит вазифасини ҳам бажариши ҳамда мазкур тизимда яратилган шартшароитлар улар учун ўз шахсини ривожлантиришга имконият яратиши зарур.

Тажрибаларга асосланиб раҳбарларнинг ўз касби ва лавозими йўналишидаги педагогик ва бошқарув функцияларини бажаришга тайёргарлиги етарли даражада эмаслигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларининг энг асосий мақсади раҳбарлар шахсига ва уларнинг фаолиятига қўйилаётган ижтимоий-иқтисодий талаблар билан таълимни модернизация қилиш, янгилаш ҳамда таълим муассасасини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мақсад ва муаммоларни инобатга олган ҳолда замонавий ижтимоий талаблар ва муаммолар ўртасида мувофиқликни таъминлашдан иборат бўлиши зарур.

УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнлари ҳисобланган таълим-тарбиявий муҳитда ижодий ёндашувларни рағбатлантириш, мустақил равиша ўзини ўзи ривожлантириш йўналишидаги фаолиятни ташкил этиш, раҳбарларда мустақил таълим олишга шахсий қизиқишларни шакллантириш заруратини белгилайди. Чунки УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини

ривожлантириш жараёнларида ҳамкорликдаги ижодий фаолият қулай психологияк мұхитни ташкил этишда мұхим ақамият касб этади. Бунда вужудға келувчи саволларга ҳамкорликда жавоб излаш, үзаро таъсир услубларини тәкомиллаштириш вужудға келади ва лойиҳалаштириш, тадқиқотчилик ва сұхбат услублари мақсадға мувофиқ услублар ҳисобланади. Мазкур тизимда раҳбарларнинг бошланғич тажрибалари тәкомиллашади, улар ўз фаолиятини қайта англаши учун қулай шарт-шароит вужудға келади, уни кузатиш ёрдамида янги муносабатлар йұналиши белгиланади.

ҮҮТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнлари тадқиқий ва таҳдилий йұналишга зәг бўлиши, раҳбарлар учун замонавий педагогик ва ахборотлар технологияларидан фойдаланишга имкониятлар яратиши, ижодий ҳамкорликни таъминлашга қаратилиши, шахсий имкониятларни тәкомиллаштириш учун зарурый психологияк мұхит сифатида хизмат қилиши зарур.

Шунинг учун ҮҮТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини янги амалиёт сифатида, яъни раҳбарларнинг фаоллиги ва компетентлилигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган үзаро таъсир тизими, таълимнинг янги мазмуну, мустақил ва ижодий таълимий мұхитни ташкил этишининг янги шакллари сифатида кўриб чиқилиши зарур.

ҮҮТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнлари асосий компонентларига таълим муассасасида ташкил этиладиган ўқув семинарлари, семинар-тренинглар, очик дарслар, үзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, илгор педагогик технологияларни оммалаштириш, раҳбарлар томонидан тайёрланадиган илмий-методик маҳсулотлар, жумладан, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машғулотлар ҳамда масофадан ўқитишини киритиш мумкин.

ҮҮТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларига тизимли ёндашувни татбиқ этишда ҳар қандай тизим үзининг ташкил этувчиларига, яъни компонентларига зәг бўлиши ва ихтиёрий тизимнинг ташкил этувчи компонентларидан бири мазкур тизимнинг ўзгаришига ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатишини инобатта олиб, раҳбарлар фаолияти самарадорлигини оширишга тизимли ёндашувни татбиқ этишда раҳбарларнинг билими, кўникма ва малакаси ҳамда касбий маҳорати даражасини аниқлаш

мезонларининг элементи сифатида тизимнинг ҳар бир компонентини олиш мумкин.

Бугунги кунда таълим тизимида амалга оширилаётган ўзгартериш ва янгиланишлар УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнлари мазмуни ва технологияларини ҳам янгилаш ва модернизациялашни талаб этади, мазмунни янгилашда УЎТМ раҳбарининг инновацион фаолияти амалга ошириладиган аниқ вазиятларни, уларнинг шахсий сифатларини ўзига хослиги, бошқарув субъекти сифатида замонавий мактаб раҳбари компетентлилигини ривожлантиришга қўйидаётган талабларни инобатга олиш зарур.

УЎТМ раҳбарлари малакасини оширишга белгиланган давлат талабларида раҳбарлар Кадрлар тайёрлаш миллый моделини билиши; умумий ўрта таълим муассасаси ҳақидаги Низом ва умумий ўрта таълимга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий, меъёрий-услubий ҳужжатларни мукаммал билиши ва ўз фаолиятида уларга амал қилиш малакасига эга бўлиши; умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришга оид меъёрий ҳужжатлар, мактабни бошқариш тамойиллари, усуллари асосида мактаб ички бошқарув тизимини ташкил қилишни билиши; олий педагогик таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши; умумий ўрта таълим муассасаси ишини илмий асосда режалаштириш усулларини билиши ва амалда қўллай олиш малакасига эга бўлиши; мактабни педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни жой-жойига қўйиш, улар билан ишлаш, уларга услubий ва амалий ёрдам кўrsatiш ҳамда рагбатлантириш йўлларини билиши; умумий ўрта таълим учун педагог кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг асослари ҳақида маълумотга эга бўлиши; ҳалқ таълими тизимидағи малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини билиши; дарсларни кузатиш ва таҳдил қилиш қоидаларини билиши; ўқувчилар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари ҳақида маълумотга эга бўлиши; умумий ўрта таълим муассасаси фаолияти мониторингини олиб боришни билиши; бошқарувнинг демократик ва инсонпарварлик тамойилларини билиши ва уларга амал қилиш малакасига эга бўлиши; раҳбарга мос ва хос юксак маданий савия ва маънавий қиёфа усулларини билиши ва эгаллаши; янги типдаги раҳбарнинг ташкилий, педагогик, психологик жиҳатларини билиши ва эгаллаши; таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва такомиллаштиришнинг самарали йўл ва усулларини билиши; соғлом авлодни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигининг шакл ва усулларини билиши

ва эгаллаши; янги педагогик технологиялар, инновацион технологиялар ҳақида тасаввурга эга бўлиши; илғор педагогик иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва қўллашни билиши; синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг мазмун-мундарижаси, шакллари ва бундай ишларни ташкил қилиш йўллари ва усуллари ҳақида маълумотга эга бўлиши; балоғат ёшига етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш ишларини билиши; синф раҳбари ишининг мазмун ва мундарижаси, шакл ва усулларини билиши ва улар ишини ташкил қилиш малакасига эга бўлиши; умумий ўрта таълим муассасасидаги психологик хизматнинг мақсад ва вазифаларини билиши; умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларни касбга йўллаш ишларининг тартиби, мақсад ва вазифаларини билиши; умумий ўрта таълимнинг муаммолари, бу соҳадаги изланишлар, янгилик ва ютуқлар ҳақида маълумотга эга бўлиши; умумий ўрта таълимни молиялаш, ҳисоб-китоб юритиш, жиҳозлаш, моддий таъминот масалаларини билиши; бюджетдан ташқари маблағ киритиш ва улардан фойдаланиш йўлларини билиши; ихтисослашган умумий ўрта таълим муассасаси фаoliyati асосларини билиши; алоҳида ёрдамга муҳтоҷ бўлган болалар ва уларнинг таълим-тарбиясини ташкил қилиш ҳақида маълумотга эга бўлиши лозимлиги келтирилган [48].

Мазкур давлат талабларининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсақ, УЎТМраҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари мазмуни нафақат бошқарув йўналишидаги тушунчаларни, балки педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчаларни ҳам қамраб олиши зарурлигини кўрамиз.

С.Т.Тургуновнинг тадқиқот ишида [87] мактаб директорлари учун “Таълим бошқаруви (менежменти): назария ва амалиёт масалалари”ни ўқитишга белгиланган давлат талабларига мос равища УЎТМ директорларининг малакасини ошириш курси тингловчилари учун таълим бошқаруви (менежменти)дан ўқув дастури ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур ўқув дастурида 50 соатга мўлжалланган тақвимий-мавзуйй режа ўз ифодасини топган. Мазкур тақвимий-мавзуйй режада келтирилган мавзударнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсақ, мактаб раҳбарлари:

– янги педагогик технологиялар, инновацион технологиялар ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

– илғор педагогик иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва қўллашни билиши;

- синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг мазмун-мундарижаси, шакллари ва бундай ишларни ташкил қилиш йўллари ва усуллари ҳақида маълумотга эга бўлиши;
- умумий ўрта таълим муассасасидаги психологоик хизматнинг мақсад ва вазифаларини билиши;
- умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларни касбга йўллаш ишларининг тартиби, мақсад ва вазифаларини билиши;
- умумий ўрта таълим муассасасидаги психологоик хизматнинг мақсад ва вазифаларини билиши;
- умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларни касбга йўллаш ишларининг тартиби, мақсад ва вазифаларини билиши;
- ихтисослашган умумий ўрта таълим муассасаси фаолияти асосларини билиши; алоҳида ёрдамга муҳтоҷ бўлган болалар ва уларнинг таълим-тарбиясини ташкил қилиш ҳақида маълумотга эга бўлиши заруриятлари муаллиф томонидан етарли инобатта олинмаганлигига икror бўламиз.

УЎТМ директорларининг малакасини ошириш курси тингловчилари учун С.Т.Турғуновнинг тадқиқот ишида ишлаб чиқилган ўқув дастурини олтига блокка бўлиб ўрганилиши лойиҳалаштирилган бўлиб, педагогик блокда – педагогик фаолият, педагогик маҳорат, касбий маҳорат, таълим муассасасини бошқаришнинг назарий-педагогик асослари, бошқаришни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш, мактаб раҳбарларининг функционал вазифалари, ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган ҳамкорлик ишлари, мактабнинг ўзини-ўзи бошқаришга педагогик раҳбарлик, эҳтиёж ва у орқали ходимларни мотивлаштириш, муносабатларни мотивлаштириш, бошқарувда педагогиканинг асосий тушунчалари, тарбиявий муносабатларда раҳбар-ходим муносабатлари, педагогик тадқиқот методлари ва функциялари, раҳбарлик услубларини ўрганилиши режалаштирилган [87].

Бир сўз билан айтганда, УЎТМ директорларининг малакасини ошириш курси тингловчилари учун таълим бошқаруви (менежменти)дан тузилган ўқув дастурида УЎТМ раҳбарларига психологоик хизмат, педагогик тизим, педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқаришга замонавий ёндашувлар, педагогик технологиялар ва уларни амалиётга татбиқ этиш йўналишлари бўйича тушунчалар берилиши кўзда тутилмаган.

Демак, УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлиларини ривожлантириш жараёнлари мазмунини янгилашнинг заруратини кўйидаги омилларда кўриш мумкин:

- биринчидан, бугунги кунда амалиётга татбиқ этилиши зарур бўлган, С.Т.Турғунов томонидан УЎТМ директорларининг малакасини ошириш курси тингловчилари учун таълим бошқаруви (менежменти)дан тузилган ўқув дастурида келтирилган мавзу ва тушунчаларни мактаб раҳбарлари учун тўлиқ ўргатилмаётганлиги;

- иккинчидан, мазкур ўқув дастурида УЎТМ раҳбарларига психологияк хизмат, педагогик тизим, педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқаришга замонавий ёндашувлар, педагогик технологиялар ва уларни амалиётга татбиқ этиш йўналишлари бўйича тушунчалар берилиши кўзда тутилмаганлиги;

- учинчидан, УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларини узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш ҳамда вазиятларга кўра мазмунан янгила боришига қаратилган технологиялар мавжуд эмаслиги.

Юқорида келтирилган йўналишлар бўйича УЎТМ раҳбарларининг тушунчаларини ривожлантириш, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш учун уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари сифатида УЎТМда ташкил этиладиган ўқув семинарлари, семинар-тренинглар, очик дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, илгор педагогик технологияларни оммалаштириш, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машғулотларни ҳамда масофадан ўқитиш жараёнларининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш билан бир қаторда, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шахар) бўйимлари (ХТМФМТТЭТБ)га қарашли УЎТМ директорлари учун ҳар ойда бир марта 2 соатга мўлжалланган марказлаштирилган семинар-тренинг ташкил этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

ХТМФМТТЭТБга қарашли УЎТМ директорлари учун марказлаштирилган семинар-тренингларни ташкил этишга тизимли ёндашувни татбиқ этиш, яъни малака ошириш курсларида ва масофадан ўқитиш жараёнида директорлар томонидан ўрганилган тушунчаларни инобатга олган ҳолда марказлаштирилган семинар-тренинг ўқув дастури шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. ХТМФМТТЭТБга қарашли УЎТМ директорлари учун ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар-тренинг тақвимий-мавзуй режасини қўйидагича шакллантирилиши мақсадга мувофиқ (2-жадвал).

2-жадвал

**ХТМФМТТЭТБга қарашли УЎТМ директорлари учун  
ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар-тренинг  
тақвимий-мавзуйи режаси (20 соат)**

№	МАВЗУЛАР	Жами
1	Умумий ўрта таълим муассасаларида бошқарув, бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос ҳусусиятлари	2
2	Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбари шахси ва унга кўйиллаётган талаблар	2
3	Умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш	2
4	Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга замонавий ёндашувлар	2
5	Замонавий мактаб раҳбарларининг функционал вазифалари, ҳамкорликда бошқарув ва бошқарув фаолияти самарадорлиги	2
6	Синфдан мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ва уларни ташкил этиш йўллари ва усуллари	2
7	Умумий ўрта таълим муассасасида психологияк хизматни ташкил этиш ва бошқариш	2
8	Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарининг касбий компетенталиги	2
9	Умумий ўрта таълим муассасасида инновацион фаолият	2
10	Педагогик технологиялар ва уларни амалиётга татбиқ этиш	2
	Жами:	20

Ўқув дастурида келтирилган мавзуларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсақ, тез ўзгарувчан вазиятлар ҳамда қисқа вақт ичида амалга оширилаётган ўзгартериш ва замонавий янгилинишларнинг таъсирига кўра мавзуларнинг мазмун-моҳиятини вақти-вақти билан янгилаб бориш зарурияти мавжудлигини кўришимиз мумкин. Шундай экан, УЎТМ раҳбарларининг касбий компетенталигини ривожлантириш жараёнларидан бири

ҳисобланган, ХТМФМТТЭТБга қарашли УЎТМ директорлари учун ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар-тренинг жараёнида таклиф этилаётган мавзуларни параллель равища ўрганишига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Булар, ўз навбатида УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини олдиндан лойиҳалаштириш ва моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни тақозо этади.

### **2.3. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёни модели**

Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва педагогик ходимларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда инновацион ёндашувлар муҳим аҳамият касб этиб, ташаббусларни рағбатлантириш, турли педагогик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва таҳдил қилиш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, барча таркибий қисм ва бўлимларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ижтимоий амалиёт ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда натижаларнинг самарадорлигини таъминлаш учун бошқарув фаолиятини илмий асосларда ташкил этиш зарур.

Умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш учун мазкур жараённинг бевосита субъекти ҳисобланган директорларнинг фаолиятини замонавий талабларни инобатга ҳолда такомиллаштиришда, мактабда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёnlарида уларнинг фаоллигини таъминлаш ҳамда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари учун зарурий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёnlарини, бир сўз билан айтганда умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ошириш жараёnlарини олдиндан моделлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари фаолияти жараёни илмий асосда ташкил этиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, олдиндан режалаштирилган натижаларга эришиш учун энг қулай бўлган бошқарув методлари ва раҳбарлик услубларини амалиётга татбиқ этишини назарда тутади ва ўз навбатида раҳбарлардан бошқарув йўналишида ўзига хос билим, кўникма ва малакалар,

ўқувчи ва ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш учун маълум тажриба талаб этади.

Демак, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари сифатида УЎТМда ташкил этиладиган ўқув семинарлари, семинар-тренинглар, очик дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, илгор педагогик технологияларни оммалаштириш, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машгулотларни ҳамда масофадан ўқитиш жараёнларини, шунингдек, ХТМФМТТЭТБга қарашли УЎТМ директорлари учун ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар-тренинг жараёнларини тизимнинг компонентлари сифатида ўзаро таъсир кўрсатишининг аҳамиятини инобатга олиш зарур.

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, фан-техника ютуқлари, яратилаётган янгиликлар ва ривожланишлар, таълим бошқаруви хусусиятларининг ўзгариб бориши, ривожланишларни бораётган давлат, жамият ва шахс эҳтиёжлари, ривожланишларга боғлиқ ҳолда кун сайин ўзгариб, янгиланниб ва ривожланишларни бораётган замонавий талабларга асосланиш кепрек.

Демак, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари модели мавжуд талаблар даражасида раҳбарлар томонидан юқори даражада кўникма ва малакаларга эга бўлган директорларнинг илгор тажрибаларини кўллаш ҳамда инновацион таълимий дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишлари учун уларда зарурий билим, кўникма ва малакаларни шаклантиришга етарли шарт-шароитларни яратиб беришга хизмат қилиши зарур ҳисобланади.

Модель [фр. Modele < лот. Modulus – ўлчов, меъёр] бирор нарсанинг худди ўзиdek ёки кичрайтириб, катталаштириб олинган, кўплаб ишлаб чиқариш учун андоза бўладиган нусхаси [104, 606-бет].

Моделлаштириш – бу билиш обьектининг ҳар хил моделларни яратиш ва ундан илмий ижодда фойдаланиш имконини берувчи илмий методдир. Моделлаштириш методида обьект ўрнига унинг модели ўрганилади [68, 52–53-бетлар].

Моделлаштироқ – бирор нарсанинг моделини ишламоқ, яратмоқ [104, 606-бет].

Шундай экан, УҮТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самара-дорлигини ошириш жараёнларини моделластириш – бу УҮТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишда муҳим аҳмиятта эга бўлган талаблар асосида ишлаб чиқилган, самарали ҳисобланган методлардан фойдаланишни ифодоловчи, мазкур жараённи ташкил этиш босқичлари ва функциялари ҳамда қайта алоқани таъминланиши акс эттирилган андоза деб тавсифлаш мумкин.

Моделластириш УҮТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самара-дорлигини ошириш жараёнларини илмий асосда ташкил этишда муҳим аҳамият касб этиб, унда УҮТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишга қўйилаётган замонавий талабларни, раҳбарларнинг эҳтиёжлари, УҮТМ жамоасининг ўзига хос жиҳатлари, раҳбарларнинг дунёқарashi ва бошланғич тушунчалари, раҳбарларнинг имкониятлари, ўрганиладиган мавзуларнинг мақсади, предмети ва аҳамиятини инобатга олиш ҳамда уларга мос келувчи таълим методларини танлаш, амадга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ва уларни амалга ошириш босқичларини белгилаш зарур.

Демак, УҮТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самара-дорлигини ошириш жараёнларини моделластиришда инобатта олиниши зарур бўлган педагогик шартлар сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

- УҮТМда таіпкил этиладиган ўқув семинарлари, семинар-тренинглар, очиқ дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машғулотларни, масофадан ўқитиши жараёнларини ҳамда УҮТМ директорлари учун ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар-тренинг жараёнларининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш;

- УҮТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишга тизимили ёндашувни татбиқ этиш;

- марказлаштирилган семинар-тренинг жараёнларида раҳбарларда ўз устида мунтазам ишлаш, мустақил таълим ва мустақил маълумотлар олиш учун эҳтиёжларни шакллантириш;

- ўрганиладиган мавзуларни режалаштиришда уларнинг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва изчиллигини таъминлаш;

- УҮТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривож-

лантириш жараёнларини ташкил этишга тизимли ёндашувни татбиқ этиш;

– УЎТМ раҳбарларида рефлексив фаолият кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.

Моделлаштиришда УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишга тизимли ёндашувни татбиқ этиш ҳамда ўрганиладиган тушунчаларнинг ўзаро боғлиқдиги ва алоқадорлигини таъминлаш заруритини иnobатга олган ҳолда вазифалар белгиланиши зарур.

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларига такомиллаштирилган моделларни самарали татбиқ этишда УЎТМда ташкил этиладиган ўқув семинарлари, семинар-тренинглар, очик дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машгулотларни, масофадан ўқитиши жараёнларини ҳамда УЎТМ директорлари учун ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар-тренинг жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ва кўзланган мақсадларни мувофиқлаштирилганлиги ҳамда мазкур жараёнларда раҳбарларнинг самарали иштирокини таъминловчи чора-тадбирлар ва вазифалар белгиланганлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда давлат, жамият ва шахс эҳтиёжларини ҳамда барчага тегишли замонавий талабларни иnobатга олиш, УЎТМ раҳбарларида шакллантирилиши зарур бўлган тушунчаларга асосан замонавий талаблар асосида малака ошириш курслари ўқув дастурларини такомиллаштиришнинг зарурлиги каби шартларнинг бажарилишини иnobатга олиш зарур.

Тадқиқот муаммосини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларининг барча шаклларини ўзаро боғлиқдиги ва алоқадорлигини ҳамда мазмунан узвийлигини таъминловчи, раҳбарларнинг дунёқарашини кенгайтириш, тушунчалари, билими, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштиришга имкониятлар яратувчи мукаммал моделларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бугунги куннинг энг долзарб талабларидан бири ҳисобланади.

Шундай экан, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти са-

марадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда раҳбарларнинг бошқарув йўналишидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш ҳамда уларда ўзини ўзи ривожлантириш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи қўйидаги омилларни инобатга олиш ўзига хос аҳамият касб этади:

– УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш, раҳбарларнинг бошқарув йўналишидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш ҳамда ўзини ўзи ривожлантириш кўникмаларини шакллантириш йўналишида бажариладиган вазифалар билан фойдаланиладиган методлар ва ёндашувлар ўртасида ўзаро мутаносибликни таъминлаш;

– УЎТМ раҳбарларида малака ошириш учун эҳтиёж ва қизиқишлиарни шакллантириш, уларда ўзини ўзи ривожлантириш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш воситаларини танлаш;

– УЎТМ раҳбарларида малака ошириш ва инновацион фаолиятга мойиллик ва қизиқишлиарни шакллантирувчи мотивларни аниқлаш;

– УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш омилларини аниқлаш;

– УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларининг истиқболини ва самарадорлигини ривожлантириш йўналишидаги вазифаларни олдиндан белгилаш;

– УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини такомиллаштириш йўналишида амалга ошириш зарур бўлган вазифаларни белгилаш;

– УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари узвийлигини таъминловчи воситаларни аниқлаш.

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш йўналишида белгиланган мақсадларга эришишда раҳбарларнинг бошқарув фаолияти йўналишидаги билим, кўникма ва малакалари даражаси, қобилятлари, шахсий хислатлари, шунингдек, таълим жараёнини илмий асосда ташкил этишининг мураккаб томонларини фаол ўрганиш ва шулар асосида моделлаштириш зарур ҳисобланади.

УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишлари ва функционал вазифаларини англаши, ўзини ўзи ва ўз фаолиятини


ўзи таҳдил қилиши, шунингдек, ўзини ўзи шахсий ривожлантириш эҳтиёжларини фаоллаштириш ҳамда ижодий салоҳиятини ривожлантириши учун имконият яратувчи таълимий мухитни вужудга келтириш заруриятларини инобатга олиш УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий шартлардан бири ҳисобланади.

Чунки, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларида яратилган шарт-шароитлар раҳбарлар учун ўзини ўзи ривожлантиришга имконият яратиши билан бир қаторда, бошқарув фаолияти жараёнида педагог ҳодимларга ва ўқувчиларга ўрнак бўлиши учун уларда зарурй билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларида раҳбарлар ўзини ўзи ривожлантиришга интилиши, амалиётни ўрганиш асосида бошқарув йўналишида юкори даражадаги тайёргарлик ва ўзини ўзи бошқариш кўникмасига эга бўлиши, эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини келажакда амалиётга татбиқ этиш заруриятини англаб этиши, ўз фаолиятини такомиллаштиришга юкори даражада интилиш ҳиссиятларининг вужудга келиши, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларни шакллантириши ва ривожлантириши учун етарли ва зарурй шарт-шароитлар яратилиши зарур.

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишни режалаштириш ва моделлаштиришда мазкур жараёнларнинг мақсади, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва мавжуд имкониятлар инобатга олиниши, шунингдек, умумий мақсадларга эришишда белгиланган вазифаларнинг бажарилиш кетма-кетлигини аниқлаш ҳамда мазкур вазифаларни бажаришда кўлланиладиган методлар ва асосий ёндашувлар танлаб олиниб, ўрганиладиган мавзунинг мазмун-моҳиятига ҳамда вазиятларга кўра мувофиқлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга.

Демак, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари модели таълим муассасаси раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларининг ўзаро боғлиқлигини таъминловчи, белгиланган мақсад ва вазифалар йўналишини ифодаловчи ва кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи компонентлардан иборат бўлган тизимни тасвирилаши зарур (3-расм).



**3-расм. ҮҮТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти  
самаадорлыгини ошириш жараёнлари модели**

Мазкур модель УҮТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларининг барча шаклларининг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва узвийлигини таъминлашни назарда тутади. Моделнинг тузилишига эътибор қаратадиган бўлсак, белгиланган мақсад – бу УҮТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, оддинги параграфларда келтирганимиздек, УҮТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлиги унинг бошқарув йўналишидаги билими, кўникма ва малакаларига ҳамда тажрибасига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, унинг шахсий хислатлари, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлари ва қобилиятига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам моделда мақсадга эришиш йўналишида амалга ошириладиган асосий вазифалардан бири сифатида УҮТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш келтирилади.

Моделда мақсадга кўра белгиланган вазифаларни амалга оширишда эътибор қаратилиши зарур бўлган омиллар сифатида УҮТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар келтирилади, яъни УҮТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантиришда, энг аввало, раҳбарлада умуминсоний хислатлар, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлар ва бошқарувчи учун зарур қобилияtlарни шакллантириш ва ривожлантиришнинг заруриятига эътибор қаратилади.

Демак, УҮТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш учун уларда касбий компетентлиликни шакллантириш ва ривожлантиришда бошқарув йўналишидаги тушунчалар билан, яъни таълим менежменти фанини ўргатиш билан бир қаторда, педагогика ва психология фанларини чуқур ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Чунки бошқарувчи ҳисобланадиган УҮТМ раҳбарида педагогик маҳорат, дидактик қобилият, коммуникатив қобилият, перцептив қобилият, умуминсоний хислатлар, эҳтиросли хислатлар, ахлоқий хислатлар, ишбильармонлик хислатлари йўналишидаги тушунчалар, билим кўникма ва малакалар педагогика ва психология фанларидан ташкил этиладиган машғулотларда; ташкилотчилик қобилияти, касбий маҳорат, касбий тажриба, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлар бўйича тушунчалар, билим кўникма ва малакалар таълим менежменти фанидан ташкил этиладиган машғулотларда ва мустақил таълим жараёнида ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнларида шаклланади ва ривожланади.

Шунингдек, моделда раҳбарларда шакллантирилиши ва ривожлантирилиши зарур бўлган мазкур компонентлар УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларида амалга оширилишига ургу берилади.

Ҳақиқатан ҳам, УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилиги компонентлари сифатида келтирилган сифатлар, маҳорат ва қобилиятлар, билим, кўнкима ва малакалар раҳбарларда нафақат малака ошириш курслари жараёнида, балки тажриба алмашиниш, масофадан ўқитиши, УЎТМда ташкил этиладиган очиқдарслар, ўзаро дарс-кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, илфор тажрибаларни оммалаштириш, ҳамкорликдаги ижодий фаолият, инновацион фаолият ва тарбиявий муносабатлар жараёнларида ҳам шаклланиб, ривожланиб боради.

Шунингдек, УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилиги мустақил таълим, ўзини ўзи бошқариш, таҳлилий фаолият, ўзини ўзи ривожлантириш, ўзлигини исботлаш, янгиликларга интилиш, ўз фаолиятини ўзи томонидан мувофиқлаштириб бориш жараёнларида ривожланиб ва мустажкамланиб боради.

Аввали мавзуда айтиб ўтганимиздек, УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантирища маҳсус ташкил этилган қисқа муддатли курслар, яъни марказлаштирилган семинар-тренинглар ташкил этилиши ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки маҳсус ташкил этилайдиган курсларни режалаштирища УЎТМ раҳбарларининг бошланғич тушунчалари ва касбий тажрибалари даражаси инобатта олинади ҳамда замонавий талабларга асосан ёндашилади. Бир сўз билан айтганда, марказлаштирилган семинар-тренинглар модернизациялаштирилган дастурлар асосида ташкил этилиши назарда тутилади.

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш учун маҳсус ташкил этилайдиган марказлаштирилган семинар-тренингларни режалаштириш ва ташкил этища УЎТМ раҳбарларининг бошланғич тушунчалари ва касбий тажрибалари даражаси инобатта олиниши – бу УЎТМ раҳбарларининг малака ошириш институтларида назарий ва амалий машғулотлар жараёнида, масофадан ўқитиши жараёнида, илмий-амалий конференциялар, тажриба алмашиниш, мустақил таълим, УЎТМда ташкил этилайдиган тури тадбирлар ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнида олган билимлари, кўнкима ва малакалари, раҳбарлик фаолияти жараёнида орттирган касбий тажрибаси даражасини инобатта олишни ифодалайди.

Модернизациялаштирилган дастурлар асосида ташкил

этилиши – бу УҮТМ раҳбарлари шахсига ва лавозим вазифаларига қўйилаётган замонавий талабларни, фан ва техника янгиликларини инобатга олиб ўқув дастурларини замонавийлаштиришни, яъни мунтазам янгилаб борилишини ифодалайди.

УҮТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш учун маҳсус ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар-тренингларни ташкил этишда УҮТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги, боғлиқлиги, узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашнинг зарурати моделда ўз ифодасини топган бўлиб, УҮТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш учун УҮТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишга тизимли ёндашув технологиясини татбиқ этиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Шунинг учун, моделда келтирилган асосий компонентлардан бири – бу УҮТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнлари бўлиб, унинг компонентлари сифатида малака ошириш курслари, тажриба алмашиниш, масофадан ўқитиши, УҮТМда ташкил этиладиган очиқ дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илфор тажрибаларни оммалаштириш, илмий-амалий конференциялар, ҳамкорликдаги ижодий фаолият, инновацион фаолият ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари, мустақил таълим, ўзини ўзи бошқариш, таҳдилий фаолият, ўзини ўзи ривожлантириш, ўзлигини исботлаш, янгиликларга интилиш, ўз фаолиятини ўзи томонидан мувофиқлаштириб бориш жараёнлари келтирилган. Моделда мазкур жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш зарурияти белгиланган бўлиб, унда жараёнларни ташкил этишга тизимли ёндашувни татбиқ этиш зарурияти инобатга олинган.

Таклиф этилаётган моделда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, фан ва техника ютуқлари, яратилаётган янгиликлар, ривожланиб бораётган давлат, жамият ва шахс эҳтиёжлари ва замонавий талабларни ўрганиш, таълим муассасаси фаолиятининг ривожланиш мойиллигини аниқлаш ва такомиллаштириш йўналишидаги вазифаларни белгилаш ҳам унинг компонентлари сифатида келтирилган бўлиб, булар қайта алоқани таъминлаш, яъни УҮТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини янада ошириш, давлат, жамият ва шахснинг ривожланиб бораётган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш учун янги вазифалар белгилаш ва амалга оширишга хизмат қиласи.

Мазкур моделнинг тузилишига ҳамда функционал вазифасига

эътибор қаратадиган бўлсак, унда келтирилган маҳсус ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар-тренингларни ташкил этишда УЎТМ раҳбарларининг касбий компетенталигини ривожлантириш жараёнларини яхлит, динамик тизим кўринишида тасаввур қилиб, марказлаштирилган семинар-тренинглар жа-раёнида ўрганилиши натижасида таклиф этилаётган мавзуларни маълум бир изчиликда ва ўзаро параллель равишда ўрганиш зарурияти вужудга келади.

## **ХУЛОСА**

УЎТМ раҳбарлари ва педагогик жараёнлар субъектларининг таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлаш йўналишларидағи фаолиятлари бошқарув фаолияти бўлиб, мактаб фаолиятини ташкил этишда, кўзланган натижаларга эришишда маълум бир мақсадга йўналтирилган фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, таҳдил қилиш ва баҳолаш, мазкур жараён иштирокчиларига таъсир кўрсатиш орқали уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни ифодалайди.

Шундай экан, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти мактаб фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, педагогик жараёнлар самарадорлигини ошириш, педагогик жараён субъектлари фаолиятини тақомиллаштириш, инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, ҳамкорлиқдаги бошқарув фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, ўзини ўзи бошқариш ва ривожлантимириш каби йўналишларни қамраб олади деб хуласа қилиш мумкин.

Мактаб фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўналиши бўйича УЎТМ раҳбарлари белгиланган мақсадга эришиш учун вазифалар белгилаш; фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл-йўриқларини танлаш, қарор қабул қилиш; вазифаларнинг мазмун ва моҳиятига кўра мутахассисларни танлаш ва бажариладиган вазифаларни тақсимлаш; УЎТМнинг ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниқлаш учун педагог ходимлар ва ўқувчилар ўртасида анкета сўровлари ва сұхбат ўtkазиш асосида ахборотлар тўплаш ва таҳдил қилиш; УЎТМ фаолиятини ривожлантимириш ва тақомиллаштириш йўналишида белгиланган вазифаларни қайта кўриб чиқиш, янгилаш, лавозимлар бўйича давлат талаблари асосида кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш; педагог ходимларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш; қабул қилинган қарор ва буйруқларнинг бажарилишини назорат қилиш каби функционал вазифаларни бажариши лозим.

Демак, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятининг самарадорлиги жамоадаги куладай руҳий мухит, жамоа аъзолари учун яратилган шарт-шароитлар, шунингдек, уларнинг билими, касбий

кўникма ва малакалари даражасига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва узвийлигини таъминлаш учун тизимли ёндашув технологиясини татбиқ этилишига ҳам боғлиқ бўлиши УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёни ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади.

УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишлари ўзига хос интегратив тизим эканлиги; УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятида погонавийлик билан самарадорликнинг номутаносиблиги; УЎТМ раҳбарларининг ўзини ўзи ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштиришнинг рефлексив фаолиятга боғлиқлиги; УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлиги таълим муассасаси фаолиятининг натижавийлигини ифодалashi; УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги; УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти табиатига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлган компонентлар мажмуудан иборат эканлиги; УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлиги мавжуд эҳтиёжлар ва умумий манфаатларнинг ўйгуналашувига боғлиқлиги; УЎТМ фаолиятини такомиллаштириш самарадорлиги раҳбарларнинг аниқ ва ишончли ахборотларга асосланишига боғлиқлиги каби хусусиятларни УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолиятига хос хусусиятлар сифатида келтириш мумкин.

УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлилиги таълим муассасаси фаолиятини илмий асосларда ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчалари даражаси, унинг ташкилотчилик, тадқиқотчилик, бошқарувчилик ва педагогик қобилияти ва кўнимкаси, унинг ўзини ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга бўлган мойиллиги, интилишлари, шунингдек, замонавий талаблар асосида таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштириш имкониятлари орқали аниқланади.

УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлилиги бошқарувчилик, тадқиқотчилик, ижодкорлик ва касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларни ўз ичига олувчи ўзаро боғлиқ бўлган компонентлар мажмуудан иборат бўлиб, ўзига хос мураккаб кўп компонентли ташкилий тузилишга эга.

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириши жараёнларини ташкил этишни режалаштиришда ва моделлаштиришда, энг аввало, мазкур жараёнларнинг

мақсади, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва мавжуд имкониятлар инобатта олиниши, шунингдек, умумий мақсадларга эришишда белгиланган вазифаларнинг бажарилиш кетма-кетлигини аниқлаш ҳамда мазкур вазифаларни бажаришда қўлланиладиган методлар ва асосий ёндашувлар танлаб олинib, ўрганиладиган мавзунинг мазмун-моҳиятига кўра ҳамда вазиятларга кўра мувофиқлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга.

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари сифатида УЎТМда ташкил этиладиган ўқув семинарлари, семинар-тренинглар, очиқ дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, илғор педагогик технологияларни оммалаштириш, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машғулотларни ҳамда масофадан ўқитиш жараёнларини, шунингдек, ХТМФМТТЭТБга қарашли УЎТМ директорлари учун ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар-тренинг жараёнларини тизимнинг компонентлари сифатида ўзаро таъсир кўрсатишининг аҳамиятини инобатта олиш зарур.

УЎТМ директорлари учун марказлаштирилган семинар-тренинг машғулотларини тизимли ёндашув асосида ташкил этишда асосий эътиборни машғулотлар жараёнида раҳбарларнинг субъективлиги ва фаолигини оширишга кўмаклашувчи шакл ва методларни қўллаш, яъни инновацион жараёнларни, шахсий-йўналтирилган таълимий муҳитни шакллантиришга қаратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Шахсий-йўналтирилган таълимий муҳит раҳбарларнинг рефлексив фаолиятини ташкил этишга хизмат қиласи, уларнинг бошлангич тушунчаларини, хатти-харакатлари, тажрибасини таҳдид қилишга ундаш асосида уларнинг ўз билими, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга эҳтиёжни шакллантиради.

Мазкур жараёнда УЎТМ раҳбарларикасбий компетентлигини ривожлантириш жараёнига таъсир кўрсатувчи омил сифатида раҳбарларнинг бошқарув йўналишидаги тасаввuri, тушунчалари ҳамда бошқарув фаолиятига тайёргарлик даражаси инобатта олинади, олинган маълумотлар ўқитиш методлари ва усулларини ўзгартиришга, таълим жараёнига раҳбарларнинг қизиқишини ривожлантириш ва фаолигини оширишга хизмат қиласи.

Марказлаштирилган семинар-тренинг машғулотларини ташкил этишда раҳбарларда ижодий ёндашув кўнинкмаларини шакллантирувчи ишchanлик ўйинларидан фойдаланиш

раҳбарларнинг барчасини машғулот жараёнида фаол иштирок этишга ундейди. Яъни раҳбарлар ўзларининг аввалдан ўзлаштирган тажрибаларига асосланган ҳолда турли хил муаммоларни ижобий ҳал этиш йўлларини излаш жараёнида ўзаро тажриба алмашади, тушунчаларини мустаҳкамлади, бошқарув фаолиятида инновацион жараёнларни ташкил этишга тайёрланади.

Марказлаштирилган семинар-тренинг машғулотларини ишчанлик ўйини шаклида ташкил этилиши УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлилигини ривожлантиришга қаратилган инновацион педагогик тизимнинг асосий компонентларидан ҳисобланган тажриба алмашиниш, ҳамкорликдаги ижодий фаолиятни ташкил этишга шарт-шароитлар яратади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 326 бет.
2. Ислом Каримов. Инсон баҳт учун туғилади. Тошкент: Шарқ, 1998. – 64 бет.
3. Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 бет.
4. Ислом Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 бет.
5. Ислом Каримов. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 бет.
6. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилемас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 бет.
7. Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш коцепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 55 бет.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тошкент: Адолат, 1998.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёrlаш миллий дастури” // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тошкент: Адолат, 1998.
10. Абдулла Аблоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 бет.
11. Азизходжаева Н. Н. Основные тенденции развития высшего педагогического образования в Узбекистане (1960-1980): Автореф. дис. ... докт.пед.наук. М., 1991. – 43 с.

12. Азизхұжаева Н. Н. Үқитувчи мұтахассислигига тайёрлаш технологияси. Тошкент: ТДПУ, 2000. – 52 бет.
13. Алиев А. Педагогик мәданият: методика маҳорат қырралари // Халқ таълими. 1992 йыл 10–12-сон.
14. Анисимов О. С., Деркач А. А. Основы общей и управлеченской акмеологии. М.: Наука, 1995. – 272 с.
15. Артиков Н. Формирование нравственной личности учащихся на основе национальных ценностей: Автореф.дис. ... докт.пед.наук. Ташкент, 2000. – 41 с.
16. Ахатова Д. Абдурауф Фитратнинг маърифий-педагогик қарашлари: Пед.фан.номз. ... дисс. Тошкент, 1992. – 217 бет.
17. Аҳлиддинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъат. Тошкент: Фан, 2006. – 29 бет.
18. Аҳлиддинов Р.Ш., Носирова Ф.А., Ражабова М.Р. Мактаб бошқарувида ички назорат. Тошкент: Шарқ, 1996. 15–17-бетлар.
19. Аҳлиддинов Р.Ш. Социально-педагогические основы управления качеством общего среднего образования: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. Ташкент, 2002. – 44 с.
20. Базаров Т. Ю. Управление персоналом развивающейся организации. М.: Наука, 1996. С. 12–17.
21. Бerezняк Е. С. Руководство современной школой. Киев: Наукова думка, 1987. С. 23.
22. Вазина К. Я., Петров Ю. Н., Белиловский В. Д. Педагогический менеджмент. М.: Педагогика, 1991. – 136 с.
23. Васильев Ю. В. Педагогическое управление в школе: теоретико-методологический аспект: Дис. ... докт. пед. наук в форме научного доклада. М., 1992. – 40 с.
24. Давлетшин М. Г. Замонавий мактаб үқитувчининг психологияси. Тошкент: Үқитувчи, 1999. – 29 бет.
25. Журاء Р.Х., Турғунов С. Т. Умумий ўрта таълим мұассасаларини бошқаришда менежментнинг асосий тушунчалари. Тошкент: Фан, 2006. – 50 бет.
26. Журاء Р.Х., Турғунов С. Т. Таълим менежменти: Үқув қўлланма. Тошкент: Ворис, 2006. – 264 бет.

27. Д е ҳ қ о н о в а М. У. Касб-ҳунар таълими раҳбар ходимларининг малакасини ошириш жараёнига тизимли ёндашув: Пед. фан. ном. ... дис. автореф. Тошкент, 2005. – 19 бет.
28. З в е р е в а В. И. Самоаттестация школы. М.: Образовательный центр «Педагогический поиск», 1999. – 160 с.
29. З в е р е в а О. В. Инновации в культуре управления: проблемы социологического исследования: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. Тамбов, 2000. – 21 с.
30. И н о я т о в У. И. Инновационный характер управления качеством образования внутри колледжа // Касб-ҳунар таълими. 2001 йил б-сон. 28–31-бетлар.
31. И н о я т о в У. И. Управление качеством образования на уровне профессионального колледжа. Ташкент: Молия, 2002. – 105 с.
32. И н о я т о в У. И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже: Дис. ... докт. пед. наук. Ташкент, 2003. – 315 с.
33. Й ў л д о ш е в Ж.Ғ. Хорижда таълим. Тошкент, 1995. – 92 бет.
34. Й ў л д о ш е в Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 207 бет.
35. Й ў л д о ш е в Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 2004. 3–80-бетлар.
36. Й ў л д о ш е в Ж.Ғ., Усмонов С.А. Таълим менежменти. Тошкент, 2006. – 73 бет.
37. Й ў л д о ш е в Ж.Ғ. ва бошқ. Интерфаол таълим – сифат кафолати (болага дўстона муносабатдаги таълим). Тошкент: Юнисеф, 2008. – 148 бет.
38. Й ў л д о ш е в Ж.Ғ., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. Тошкент: Фан ва технология, 2008. – 131 бет.
39. К е н ж а е в а Д. Т. Олий педагогик таълим жараёнида баркамол шахсни шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари: Пед. фан. ном. ... дисс. автореф. Тошкент, 2007. – 22 бет.

40. К и т о в А. И. Экспериментальное исследование процесса руководства: Социально-психологические проблемы руководства и управления коллективами. М., 1984. – 184 с.
41. К л и м о в Е. А. Психология профессионального самоопределения. Ростов-на-Дону: Феникс, 1996. – 512 с.
42. К л и м о в Е. А. Психология профессионала. М.: Воронеж, 1996. – 400 с.
43. К о м и л о в Н., Б е г м а т о в А., Қ у р о н о в М. Раҳбар ва ходим. Тошкент: Академия, 1998. – 170 бет.
44. К р и ч е в с к и й Р. Л. Если вы – руководитель. М.: Дело, 1996. – 381 с.
45. Л а з а р е в В. С. Психология принятия стратегических решений. М., 1993. С. 122.
46. Л е к т о р с к и й В. А. Субъект. Объект. Познание. М.: Наука, 1980. – 359 с.
47. М а к а р о в С. Менеджер за работой. М.: Молодая гвардия, 1989. – 239 с.
48. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш барча тоифа тингловчилари учун умумий бўлган ўқув курслари бўйича ҳамда таълим бошқаруви (менежменти)дан давлат талаблари, тақвимий-мавзуй режа ва ўқув дастурлари // А.Авлоний номидаги ХТРХМОМИ ахборотномасининг 1-махсус сони. Тошкент, 2004. – 56 бет.
49. М и р қ о с и м о в М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 159 бет.
50. М у р а к а е в И. У., С а и ф н а з а р о в И. С. Менежмент асослари. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 191 бет.
51. М у с л и м о в Н. А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари.: Пед. фан. док. ... айсс. автореф. Тошкент, 2007. – 45 бет.
52. Мустақиллик: Изоҳди илмий-оммабоп лугат. Абдуллаев М., Абдуллаева М. ва бошқалар / А.Жалолов ва Қ.Хоназаровлар умумий таҳрири остида. Тошкент: Шарқ, 1998. – 317 бет.
53. Н е м о в а Н. В. Управление методической работой в школе. М., 1999. – 46 с.
54. Н и ш о н а л и е в У. Н. Таълим стандарти ва педагогик инновациялар // Халқ таълими. 1999 йил 6-сон. 28–31-бетлар.

55. Основы разработки педагогических технологий и инноваций / Под. ред. Пятина В.А. Астрахань, 1998. – 380 с.
56. Педагогика тарихи. Ҳошимов К., Нишонова С. ва бошқалар. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 446 бет.
57. Перегудов Л. В., Сайдов М. Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. Тошкент: Молия, 2002. – 37 бет.
58. Поташник М. М., Моисеев А. М. Диссертации по управлению образованием: Состояние, проблемы, современные требования. М.: Новая школа, 1998. С. 45.
59. Примбекова Д. Р. Подготовка руководителей школ к управлению нововведениями: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. Алматы, 1997. – 23 с.
60. Рашидов Х. Ф. Теоретико-методологические и социально-педагогические основы развития среднего, профессионального образования в Узбекистане: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. Ташкент, 2005. – 47 с.
61. Регион: Управление образованием, теория и практика / Под ред. Третьякова П.И. М.: Новая школа, 2001. – 880 с.
62. Русалинова А. А. Некоторые характеристики руководителя как субъекта управления трудовым коллективом // Трудовой коллектив как объект и субъект управления. Л.: ЛГУ, 1989. С. 48.
63. Савин Н. В. Педагогика. Ташкент: Ўқитувчи, 1975. – 336 с.
64. Сайдакхмедов Н. С., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. Тошкент: РТМ, 1999. – 55 бет.
65. Сайдакхмедов Н. С. Педагогикада янгича фикрлаш. Тошкент: Истиқбол, 2002. – 62 бет.
66. Сайдакхмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологииларни қўллаш намуналари. Тошкент: РТМ, 2000. – 46 бет.
67. Сайдкулов Ш. Ўзбекистонда ўқитувчилар малакасини ошириш тизими таълим жараёнини табақалаш. Тошкент: Фан, 1994. – 132 бет.
68. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 199 бет.

69. Сергеева В. В. Управление образовательными системами. М.: Новая школа, 2000. С. 27.
70. Таълим менежменти. Тошкент: Шарқ, 2005 йил 1–2-сон. – 218 бет.
71. Темур тузуклари / Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир Муҳаммад Али. Форсчадан тарж. А.Соғуний ва Ҳ. Кароматов. Тошкент: Шарқ, 2005. – 160 бет.
72. Тидор С. Н. Психология управления: от личности к команде. Петрозаводск: Фолиум, 1996. С. 133.
73. Толив У. К. Педагогические технологии развития общетрудовых и профессиональных умений и навыков в системе высшего педагогического образования: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. Ташкент, 2004. – 51 с.
74. Топоровский В. П. Интегративный подход к формированию управленческой компетентности директора развивающейся школы: Дис. ... докт. пед. наук. Спб., 2002. – 331 с.
75. Третьяков П. И. Управление школой по результатам: Практика педагогического менеджмента. М.: Новая школа, 1998. – 228 с.
76. Турсунов И. Й., Нишоналиев У. Н. Педагогика курси: Дарслик. Тошкент: Ўқитувчи, 1997. 49–63-бетлар.
77. Тургунов С. Т. Замонавий мактаб раҳбарларининг функционал вазифалари. Наманган: НВПҚТМОИ, 2004. – 34 бет.
78. Тургунов С. Т. Умумий ўрта таълим муассасалари директорларининг малакасини ошириш курси тингловчилари учун таълим бошқаруви (менеджмент)дан ўкув дастури. Тошкент: ЎзПФТИ, 2005. – 19 бет.
79. Тургунов С. Т. Бошқарув жараёнида тарбиявий муносабатлар // Мактаб ва ҳаёт. 2006 йил 1-сон. 20–23-бетлар.
80. Тургунов С. Т. Таълим муассасаси раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигининг назарий асослари // Касб-ҳунар таълими. 2006 йил 1-сон. 3–4-бетлар.
81. Тургунов С. Т. Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари бошқарув фаолиятининг назарий асослари. Тошкент: Фан, 2006. – 196 бет.

82. Тұрғұн ов С. Т. Умумий ўрта таълим муассасалари илмий салоҳиятини ривожлантиришда мактабни бошқариш функциялари // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари түплами. Тошкент, 2006. 26–28-бетлар.

83. Тұрғұн ов С. Т. Таълим тизими: бошқарув тамойиллари ва янгича ёндашувлар // Касб-хунар таълими. 2006 йил 4-сон. 2–3-бетлар.

84. Тұрғұн ов С. Т. Таълим муассасаларини бошқаришнинг функция ва методлари // Мактаб ва ҳаёт. 2006 йил 4-сон. 23–24-бетлар.

85. Тұрғұн ов С. Т. Таълим муассасаларини бошқаришда инновацион фаолият // Узлуксиз таълим. 2006 йил 4-сон. 3–6-бетлар.

86. Тұрғұн ов С. Т. Замонавий мактаб директорининг бошқарув фаолиятида тизимли ёндашув // Халқ таълими. 2006 йил 4-сон. 11–14-бетлар.

87. Тұрғұн ов С. Т. Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари бошқарув фаолиятининг назарий асослари: Пед. фан. док. ... дисс. Тошкент, 2007. – 363 бет.

88. Тұхтарбое А. Т. Маъмурий менежмент. Тошкент: Молия, 2003. – 171 бет.

89. Управление современной школой. Пособие для директора школы / Под ред. Поташника М.М. М.: Новая школа, 1992. С. 43.

90. Управление школой: теоретические основы и методы: Учебное пособие / Под ред. Лазарева В.С. М.: Центр социальных и экономических исследований, 1997. – 336 с.

91. Фазилов Д. К. Ўзбекистонда мустақиллик шароитида мактабдан ташқари таълим тизимини бошқаришнинг педагогик асослари: Пед. фан. ном. ... дисс. автореф. Тошкент, 2007. – 22 бет.

92. Форбс Абдурасул. Фозил одамлар шахри. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 222 бет.

93. Ходжабое А. Р., Икромов А. И., Иноятов У.И. Академик лицей ва касб-хунар колледжлари раҳбарларининг бозор иқтисодиёти шароитида раҳбарлик маҳоратини шакллантириш. Тошкент, 2004. – 167 бет.

94. Хўжаев А. А., Хейки Лентини н. Ўзбекистон ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари. Тошкент, 2001. – 126 бет.
95. Шакуро Р.Х. Социально-психологические проблемы управления: руководитель и педагогический коллектив. М.: Просвещение, 1990. – 210 с.
96. Шамова Т.И., Тюлю Г.М., Литвиненко Э.В. Оценка управленческой деятельности руководителем школы: Методическое пособие. Вологда, 1995. – 74 с.
97. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – 702 бет.
98. Шодмонов Қ.О. Олий ўқув юртлари касб таълими йўналиши талабаларини бошқарув фаолиятига тайёрлаш: Пед. фан. ном. ... дис. Тошкент, 2008. – 153 бет.
99. Эргашев И., Шарипов Б., Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. Тошкент: Академия, 2002. – 60 бет.
100. Эргашев Ф., Эргашев И. Раҳбар кадрлар ва ислоҳотлар жараёни // Раҳбар ва ходим. Тошкент: Академия, 1998. 87–92-бетлар.
101. Эргашев Ф., Рахимова Д., Сагдуллаев А., Парпиев О., Зайнутдинов Ш. Инновацион менежмент. Тошкент: Академия, 2005. – 239 бет.
102. Эрабоева Н.Ш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда педагогик фикрларнинг ривожланиши (1992-2005 й.): Пед. фан. докт. ... дис. Тошкент, 2007. – 276 бет.
103. Ященко С.В. Организация инновационной деятельности педагогического училища: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. М., 1999. – 20 с.
104. Ўзбек тилининг изоҳди лугати. 2-жилд. Бегматов Э. ва бошқалар / А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 606-бет.
105. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари. Р.Сафарова ва бошқ. Тошкент: Фан, 2005. – 256 бет.

106. Ўзбек педагогикаси антологияси. 2 жилдлик. 1-жилд / Тузувчилар: К.Хошимов, С.Очи. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 460 бет.
107. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар / Тузувчилар: А.Зуннунов, М.Хайруллаев, Н.Ҳотамов, Д.Шодиев. Тошкент: Фан, 1996. – 351 бет.
108. Ўразов Б.Х. Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик асослари: Пед. фан. докт. ... дисс. автореф. Тошкент, 2007. – 39 бет.
109. Қурбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э., Қуронов М., Аҳлидинов Р., Мажидов И. Миллий истиқдол гоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. Тошкент: Академия, 2002. – 280 бет.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>1-БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ РАҲБАРЛАРИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....</b>	<b>7</b>
1.1. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишлари .....	7
1.2. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари.....	19
1.3. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларига қўйилаётган талаблар ва уларнинг касбий компетентлилiği .....	32
<b>2-БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ.....</b>	<b>47</b>
2.1. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар .....	47
2.2. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари ва мазмуни.....	57
2.3. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёни модели .....	70
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>81</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>85</b>

**УЎК: 371.11(072)**

**КБК: 74.104**

**А-90**

**Аҳмедова Н.Қ.**

Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти санарадорлигини оширишнинг назарияси ва амалиёти / Н.Қ.Аҳмедова; масъул муҳаррир: С.Л.Турғунов; Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги; Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти. – Тошкент: Фан, 2013. – 96 б.

**ISBN 978-9943-19-255-3**

*Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Илмий кенгайни томонидан наширга тавсия этилган.*

Муҳаррир: *М.Содикова*

Мусахҳих: *М.Абидова*

Техник муҳаррир, саҳифаловчи: *Д.Абдуллаев*

**Нашриёт лицензияси AI №138, 27.04.2009 й.**

Нашриёт рақами: з-18. Теришга берилди 02.04.2013.

Оригинал-макетдан босишга рұксат этилди 31.05.2013.

Қоғоз бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Arno Pro гарнитураси. Офсет босма.

Офсет қоғози. Нашриёт-хисоб т. 6,0. Босма-шартли т. 5,58.

Тиражи 200 нұсха. Келишилган нархда.

ЎзР ФА “Фан” нашриёти. 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.  
Тел./факс (8-371) 262-80-65, 262-70-40.  
E-mail: fannashriyot@yandex.com

ЎзР ФА “Фан” нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди. 18-буюртма.  
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.